

# Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADO LAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz

www.adolatgzt.uz

www.adolat.uz

№ 25 (1089)

2016-yil, 17-iyun, juma

## ТЕНГЛАР ИЧРА ТЕНГ МАМЛАКАТ

тараққиётида демократия  
ва ижтимоий адолат —  
устувор мезон

### МУНОСАБАТ

Ватанимиз озодлигининг илк кунда “Мустақиллигимиз абадий бўлсин!” дея янграган ёрқин сўзлар халқимизнинг пок қалбидан айрилган қутлуғ тилак эди. Ўзига ишонган, юртимизнинг буюк келажагини яратишга қодирлигини англаган озод миллат мустақилликнинг абадий ва порлоқ йўлига чиққан кундаёқ ана шундай олий мақсад билан дадил ва залворли, тарихий қадамларини бошлади.

Замоннинг мураккаб, бир-бирдан чигал синовлари, не-не тахдидларидан заволсиз ўтиб, ўз йўлини йўқотмай олдинга одимлаш осон кечмаганини бугунги кекса ва ўрта авлод вакиллари яхши билишади. Дунё бир кадам бўлиб турган глобаллашув шароитида бу синовлар янада оғирлашиб, қийинчиликлар ортгани ҳам бор гап. Уша пайтда дунё харитасидан эндигина мустақил давлат сифатида ўрин олган Ўзбекистон қиска фурсат ичида тенглар ичра тенг бўла олганлиги, йилдан-йилга тез ва барқарор суръатларда ривожланиб, унинг нафақат ўз тақдири, балки инсоният тақдирига дахлдор мустақил қарашлари тарихий ҳақиқатга айланганига дунё жамоатчилиги хайрат ва ҳавас билан гувоҳ бўлиб келмоқда.

Мустақилликнинг абадий ва мунаввар йўлида муваффақият билан одимлаётган мамлакатимиз тараққиётнинг “Ўзбек модели” асосида барча соҳаларда босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган туб ислохотлар натижасида бир-бирдан салмоқли ва муҳим тарихий ютуқларга эришди. Кейинги ўн бир йил давомида жаҳондаги санокли давлатлар қаторида ялпи ички маҳсулотимиз 8 фоиздан кам бўлмаган суръатларда ўсаётгани, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганлиги Ўзбекистоннинг ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши, албатта, ҳаёт ҳақиқатига айланишини, бу мақсад тўла асосли эканини яққол кўрсатмоқда.

Бугун мустақилликнинг чорак асрлик довомида туриб халқимиз босиб ўтган оғир ва машаққатли, шу билан бирга, шарафли йўлга назар ташлар эканмиз, аввало, мустақиллик нақадар олий неъмат эканлиги, меҳнаткаш халқимизнинг улкан бунёдкорлик ишлари, фаровонлик, озод ва обод Ватанимиз манзаралари кўз олдимизда намоён бўлади.

Халқимиз улуғ тарихий сана — Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб қутиб олиш учун ҳар томонлама қизгин тайёрларлик кўрмоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қароридан таъкидланганидек, “ўтган давр мобайнида она юртимиз, бугунги ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончини, барча соҳаларда амалга ошираётган кенг қўламли ишларимизнинг моҳияти ва ахамиятини юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш” мақсадида давлат ва нодавлат ташкилотлари, жумладан, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси томонидан кенг қамровли амалий ишларга киришилди. Қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллигини юксак савияда, муносиб тарзда нишонлаш юзасидан Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида амалга оширадиган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлари ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича чора-тадбирлар Режаси асосида барча бўғиндаги тузилмалар, партия депутатлари, ҳар бир сафдошимиз аниқ вазифаларни ўз олдига қўйган ҳолда ғоят кўтаринки руҳда байрам тадбирини бошладилар.

2 >



> 25 йил:


МУСТАҚИЛЛИК ВА  
ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ



## КЎҲНА ВОҲА МАРКАЗИНИНГ ЯНГИ ЖАМОЛИ



Истиқлол йилларида халқимизнинг асрлар давомида шаклланган шаҳарсозлик маданиятини юксалтириш йўлида-



ги бунёдкорлик ишлари учун кенг имкониятлар яратиш билан бир қаторда мамлакатимиз раҳбари ғоялари асосида ўлкаимиздаги

йирик шаҳарларда, воҳалар, туманлар марказларида ғоят замонавий ва юртимиз қиёфасига монанд янги шаҳарсозлик маданиятига хос иншоотлар, бинолар, мажмуалар барпо этишга киришилди. Ана шундай янги, кўркем шаҳарсозлик маданияти намунаси Хоразм воҳасининг маркази Урганч шаҳри қиёфасида ҳам намоён бўлди.

5 >

### ЎЗБЕКИСТОН — ШҲТ:

тинчлик ва барқарорлик  
йўлидаги  
самарали ҳамкорлик

#### ТАДРИК

Бугун Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган прогрессив ташқи сиёсатини “тинчлик” ва “ҳамкорлик” сўзларида мужассам этилганлигини кўришимиз мумкин. Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, уни халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектига айлантириш борасида жуда кўп ишлар амалга оширилди.

Айниқса, Ўзбекистоннинг минтақада ва дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш йўлидаги савий-харакатлари, жуғрофий жойлашуви ва мафқурасидан қатъи назар, барча мамлакатлар билан очик, дўстона ва прагматик ташқи сиёсати унинг жаҳонда мустақил давлат сифатида тезда эътироф этилишини таъминлади.

Республикаимиз самарали ҳамкорлик ўрнатган нуфузли халқаро тузилмалардан бири Шанхай ҳамкорлик ташкилотидир. Шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларини хал



қилишда, халқаро ва минтақавий хавфсизлик ҳамда барқарор тараққиётни таъминлашда ушбу ташкилотнинг ўзига хос ўрни бор.

7 >

### ФРАКЦИЯЛАРАРО МУНОЗАРА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунга тегишли ўзгартиш киритиш, яъни Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинишининг расмий манбаси сифатида мақом берилиши юзасидан тайёрланган қонун лойиҳаси фракциялараро мунозараларга сабаб бўлмоқда.

**Қонунлар ва уларни ҳаётга жорий этиш механизмларини такомиллаштириш — давр талаби**

Хусусан, “Демократик кучлар блоқи” аъзоси саналган “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари ўз нашрларида чоп этилган мақолада ушбу қонун лойиҳаси таҳририга нисбатан ўз танқидий муносабатларини билдиришган («Миллий тикланиш» газетасининг 15 июнь сони).

Парламентда қизгин мунозараларга сабаб бўлаётган ушбу қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзолари иштирокида қонунчилик ташаббуси асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (интернетдаги манзили www.lex.uz)да мавжуд норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар матнидан фойдаланувчиларнинг, шу жумладан, ижрочилар ва аҳолининг тезкор ҳамда сифатли фойдаланишини таъминлашга қаратилган.

Қадрли юртдошлар!  
Азиз муштарийлар!

“Adolat”

ижтимоий-сиёсий  
газетаси —

маънавиятимизни  
янада бойитишда,  
ижтимоий

фаоллигимизни  
оширишда, жамиятни  
демократлаштириш,  
фуқаролик  
позициясини  
шакллантириш йўлида  
замондошларимиз  
ҳамжиҳатлик билан  
бажараётган хайрли  
ишларнинг фаол  
тарғиботчисидир.

Газетамизга 2016

йилнинг иккинчи ярим  
йиллиги учун обуна  
давом этмоқда.

Обуна бўлинг!

“Adolat”нинг нашр  
индекси — 100

3 >

# ТЕНГЛАР ИЧРА ТЕНГ МАМЛАКАТ

## тараққиётида демократия ва ижтимоий адолат — устувор мезон

Давоми. Бошланғич 1-бегда

Авалло шунинг таъкидлаш керакки, истиқлол туфайли эришилган ҳар бир ютуқ, у мамлакат ёки бир вилоят, туман миқёсида бўладими, маҳалла, оила фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади, унинг моҳиятида юрдошларимиз учун кадрли ва гурурбахш куч бор, албатта. Партияимиз фаоллари, ёш сафдошларимиз худудларда ўтказиладиган тарғибот тадбирларида айнан шу жиҳатга, одамларнинг кўз олдига келмаётган янгиланишлар, ўзлари баҳраманд бўлаётган ҳаёт ҳақиқатларига янада кўпроқ эътибор қаратадилар. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида амалга оширилган туб ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари, иқтисодий тараққиётга замин бўлаётган улкан лойиҳалар ва уларнинг мамлакатимизда олиб бориладиган кенг қўламли ислохотлар билан узвий боғлиқлиги, соғлиқни сақлаш, таълим тизими, спорт ва бошқа ижтимоий соҳаларда эришилган ютуқлар халқимиз фаровонлиги, хотин-қизлар ва ёшлар манфаатларини рўёбга чиқаришга хизмат қилаётганини қайд этиш айни муддаодир.

Партиянинг “Ўзбекистон — инсон кадрли улдузлар юрт” лойиҳаси доирасида “Ёш адолатчилар кексалар хузурида” акциясининг ўтказилиши ёши улуг инсонларга ҳурмат кўрсатишга, шу билан бирга, истибод даврининг оғир мусибатларини бошдан кечирган кексаларнинг ўғитлари орқали ёшлар қалбида бугунги дориламон кунларда шукроналик, юксак таъкидликни кадрлаш, халқимизга садоқат туйғуларини янада кучайтиришга хизмат қилади, албатта.

Шунинг таъкидлаш лозимки, кўп миллатли юртимизда барча миллат ва элатлар учун тенг шароитлар яратилиб, уларнинг тили, урф-одатлари, анъаналари ва диний эътиқодлари ҳурмат қилиниши таъминланганлиги халқимизнинг азалий кадриятларига мос ва тараққиётимизнинг асосий омилларидан бири саналади. Партиянинг “Буюк ва муқаддасан, хур Ўзбекистон” лойиҳаси доирасида “Бирдамлик — юрт тинчлигининг тамал тоши” мавзусида жойларда фаолият юритаётган байналмилал маданият марказлари билан ҳамкорликда ташкил этиладиган кўргазмалар оммавий, маданий-маърифий тадбирлар мамлакатимизда тинчлик ва оқилолликни кўз қорачигидек асраш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-

оқибат муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Бирдамлик — социал-демократиянинг ширларидан бири эканлигини назарда тутилган, бу эзгу ишлар “Адолат” партияси учун янада муҳим аҳамиятга эга эканини англаймиз.

Мустақилликка эришганимизнинг ўзи тарихий адолатнинг қарор топиши бўлса, давлатимизнинг одилона сиёсати, узокни кўзлаб иш тутиши, ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида ижтимоий адолатни қарор топтириш савий-ҳаракатларимизда асосий мезон бўлиб келаётганлиги бежиз эмас. Нега айнан шундай? Тарғибот тадбирларида бу фикрнинг амалий тасдиғини мисоллар воситасида тушунтиришга мамлакатимизда адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишни сиёсий куч сифатида бош мақсад қилиб белгиланган партияимиз фаоллари ўзларини масъул, деб биладилар. Шу мақсадда, жумладан, “25 йил: Адолат барқарор давлат” мавзусида ташкил этиладиган фотокўргазмалар ҳам Бош қомисимизда мустаҳкамлаб қўйилган ижтимоий адолат принциплари жамият ҳаётида қарор топганлиги, адолат бор жойда тараққиёт бўлиши, одамлар ҳаётдан рози, эртанги кунга қониқ ишонч руҳида яшаётганлигини ёрқин далиллар орқали кўрсатишга қаратилган.

Юртимиз фарзандлари замонавий илм-фан ва касб-хунарларни қухта эгаллаб, Ватанимиз равақига муносиб ҳисса қўшаётганлиги, мустақил фикрлайдиган, юксак маънавиятли, ўз фуқаролик позициясига эга ёшлар жамиятимизда ҳал қилувчи кучга айланганлиги дунё тан олган яна бир асосий ютуғимиздир. Партияимизнинг байрамолди режасида ёшлар ўртасида олиб бориладиган тарғибот тадбирлари ва амалий ишлар асосий ўрин тутганлигини айтиш жоиз. “Ватан келажиги ёшлар қўлида” лойиҳаси доирасида “Келажак бизники, марра бизники”, “Ёшлар — жамият таянчи”, “Эртанги кун суянчи” ва бошқа бир қатор мавзулардаги тадбирларда барқарор авлоднинг вояга етказиши, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида эътибор юксак натижалар бераётгани кенг тарғиб этилади. Шу билан бирга, глобаллашув даврининг турли таҳдидларидан ёшларимиз маънавиятини асраб-авайлаш, навқирон авлоднинг мустақиллигини мустаҳкамлашдаги иштирокини кучайтириш, иқтидорли, ташаббускор ёшларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, юртимиз фарзандларининг ҳар бирида ҳаётда ўз муносиб ўрнини

топишга бўлган иштиёқ ва ишончини мустаҳкамлаш диққат марказимизда бўлади.

Тарғибот тадбирларида барча турдаги марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш, партияимизнинг бугунги кунда жадал омалашиб бораётган расмий веб-сайти [www.adolat.uz](http://www.adolat.uz) ҳамда “Adolat” ижтимоий сиёсий газетасида “Мустақиллик — ўзбек халқининг энг буюк маънавий жасорати”, “Мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсати инсонийлик ва эзгулик қонунарига асосланади” каби қатор мавзулар кизиқарли тарзда мунтазам ёритилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда энг улуг ва энг азиз байрамимизга бағишланган яна бир қанча оммавий-маданий, маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари уюштирилиши ва уларда аҳолининг кенг қатламларини қамраб олишни мақсад қилганмиз.

Истиқлолнинг чорак асрлик даври тарих зарварига ҳар бир йили асрларга татигулик улкан ютуқлар мундарижасини битмоқда. Бугун гўзал юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, ҳатто, энг чекка жойларида ҳам катта-катта ўзгаришлар давом этапти.

Инсоният юксак тараққиётга эришган, бироқ таҳдиқли ва мураккаб замонамизда дунёнинг қай бир нуқталарида йўқотишлар, моддий ва номоддий бойликларнинг завол топаётгани, хунрезликлар содир этилаётганлиги ҳақидаги хабарлар билан танишганимизда беҳад таассуфга тушамиз. Шундай нотинч даврда давлатимизнинг оқилона сиёсати, халқимизнинг юксак таваққури ва маънавий жасорати боис

биз ҳар куни мамлакатимиздаги бунёдкорликлар, ютуқлар, соҳалар ривожини, истиқболдаги режалар хусусида сўз юритишдан, моддий ва номоддий бойликларни яратётганимиздан фахрланамиз.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган янги иш-ишотлар ҳадемай чорак асрлик бунёдкорлик мўъжизалари қаторидан жой олади. Буларнинг барчаси, аввало, халқимиз аздалан кадрлаб келган тинчлик билан боғлиқ эканини таъкидлаб, буни ўз муваффақиятларимиз мисолида дунёга ибрат қилиб кўрсатмоқдамиз. Шунинг баробарида тинчлик буюк неъмат эканини халқимизнинг давомчилари — ўсиб келаётган ёш авлод онг-шуурига сингдириб, келажакимиз ворисларини инсоният тараққиётга зид ғоялар, маънавий таҳдидлар таъсиридан асраямиз, фарзандларимизни оғох этаймиз. Ватан келажиги ишончли қўлларда, дея ўз ишончимизни уларнинг садоқатли, ватанпарвар қалбига жо этаймиз. Бу фикрлар Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги олдидан ташкил этилаётган турли тадбирлар мазмунида мужассам бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Мамлакатимиз тараққиётга, ҳар бир ҳудуднинг замон билан ҳамнафас ривожланишига ўз хиссасини қўшиб келаятган ўзбекистон “Адолат” СДП тизимидаги барча ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларида фаолият юритаётган партия депутатлари, “Аёллар” қаноти, “Ёш адолатчилар” қаноти фаоллари буюк тарихий давримизнинг бунёдкор халқларини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг, таъсирчан тарзда тарғиб этиб келмоқдалар.

Президентимиз томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, давлат ва нодавлат ташкилотлари билан бу борада ҳамкорликдаги ишларимиз янги мақсад ва режалар билан тубдан кучаймоқда. Улуг тарихий сана муносабати билан амалга оширадиган барча эзгу ишларимиз партияимизнинг дастурий мақсадларига, “Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони. Адолат — ҳар бир инсон учун” деган бош тамойилига ҳамоханлиги билан бирга мамлакатимиз сиёсий майдонида ўз ўрнига эга бўлган Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг халқчил ғояларини кенг тарғиб этишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Наримон УМАРОВ,  
Ўзбекистон “Адолат” СДП  
Сиёсий Кенгаши раиси

### ТАДБИР

Богот иқтисодиёт коллежи ҳамда Ўзбекистон “Адолат” СДП Богот туман кенгаши ҳамкорлигида мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида “Президент асарларини ўрганамиз” мавзусида тадбир ўтказилди.

## Президент асарларини ўрганамиз



Тадбирни коллеж директори, туман партия кенгашининг “Аёллар қаноти” етакчиси Майсара Худойбергано ва кириш сўзи билан очар экан, Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамини муносиб кутиб олишга юртимизнинг барча жойларида, жумладан, Богот туманида ҳам кўтаринки руҳда тайёргарлик ишлари олиб борилаётгани, бу улугвор жараёнларда “Адолат” социал-демократик партияси вилоят, туман ташкилоти фаоллари, мазкур коллежнинг ўқитувчи ва ўқувчилари ҳам ўз хиссасини қўшишга астойдил интилаётганини таъкидлади. Тадбирда тумандаги ташкилот ва ўқув муассасаларида ўтказиладиган тарғибот тадбирлари ёшларнинг Ватанга муҳаббати, истиқболга садоқатини оширишда муҳим ўрин тутаятгани, айниқса, иқтидорли ёшлар қўллаб-қувватланаётгани натижасида янгидан-янги иқтидорлар кашф этилаётгани эътироф этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юксак маънавият — енгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”, “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажиги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир” асарларининг мазмун-моҳияти ҳақида фикр уйғуриб, ёшларни мустақил Ватанини кўз қорачигидай асрашга, тинчлик ва оқилолликнинг қадрига етишга чақирдилар.

“Ватан муқаддас ва ягонадир”, “Мустақиллик — олий неъмат” каби мавзулардаги маърузалар, ёшларнинг фикр-мулоҳазалари, ўқувчиларнинг ижодий чиқишлари иштирокчиларга янада кўтаринкилик бағишлади.

Тадбирда фаол катнашган ўқитувчи ва ўқувчиларга партиянинг “Адолат бимилдони” венмели ва эҳдилик совғалари тақдим этилди. Партияга аъзо бўлган янги сафдошларимизга аъзолик билетлари тантанали тарзда топширилди.

Замира АБДУЛЛАЕВА,  
Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

## Улуғ ва муқаддас туйғу

Зафаробод туманидаги “Бирлик” қишлоқ фуқаролар йиғинида Ўзбекистон “Адолат” СДП Зафаробод туман кенгаши ташаббуси билан мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб “Ватан туйғуси ҳар недан улуг” мавзусида тадбир ўтказилди.

Унда халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, туман ҳокимлиги, таълим муассасалари масъул ходимлари, фуқаролар йиғинлари етакчилари, БПТ раҳбарлари, партия фаоллари, ота-оналар ва ёшлар иштирок этидилар. Йиғилиш катнашчилари ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида илм-маърифатли қилиб тарбиялаш, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, диний бағрикенглик ҳамда тинчлик ва оқилолликни кадрлаш хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

— Мунтазам равишда ўтказиладиган бу каби тадбирларда, айниқса, ёшларга кўпроқ эътибор қаратаймиз, — дейди туман партия кенгаши раиси Гулбахор Хушвақтова. — Юртимизнинг барча худудларида, жумладан, туманимизда истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, зафарободлик ёшлар эришаётган муваффақиятлар ҳақида аниқ мисоллар келтириб ўтилмоқда. Шу билан бирга, дунёнинг турли минтақаларида келмаётган нотинчликлар, қонли можаролар, турли маънавий таҳдидлар ҳақида батафсил сўз юритиб, фарзандларимизни оғохликка, тинчликни кадрлашга ундамоқдамиз.

Шунингдек, тадбирда партияимиз фаолияти, ўз олдига қўйган вазифалари, депутатлик гуруҳлари, ижтимоий лойиҳаларига доир маълумотлар қайд этилди. Партия депутатлик гуруҳлари томонидан худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда қилинган амалий ишлар, хотин-қизлар ва коллеж битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришда ҳудудий партия ташкилотларининг амалий савий-ҳаракатлари йиғилганларнинг диққатини жалб қилди.

Узоқбой РИСКУЛОВ,  
Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби

## ҚАДРЛИ БАЙРАМ — бахту саодатимиз ТИМСОЛИ

Мамлакатимизда партиялараро соғлом рақобат шароитида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон “Адолат” СДП ҳам фуқаролик жамиятини қуриш йўлида амалга ошириладиган ислохотлар изчиллигини таъминлаш ва ўз электорати манфаатларидан келиб чиқиб, бутун халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши, мамлакатимиз ёруғ келажиги учун ўз мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишга интиломоқда.

Айни кунларда қорақалпоғистонлик партия фаоллари томонидан Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қароридан келиб чиқиб, халқимиз, бутун миллатимиз учун энг улуг ва энг азиз байрам — истиқлолимизнинг йигирма беш йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилмоқда.

Бу кутлуг байрамни кутиб олар эканмиз, қалбимизда истиқлолнинг биз учун чин маънодаги бахт эшикларини очган, тенглар ичида тенг бўлиш имконини берган кадрли ва мўътабар неъмат эканлигини яна бир бор англаб етамиз.

Қарорда таъкидлаб ўтилганидек, бундан 25 йил олдин ўз мустақиллигимизни қўлга кириштириб, аввало миллий давлатчиликни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, ўзини оқламаган эски, муста-

бид тузумдан бутунлай воз кечиб, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислохотларга асосланган, бутун дунёда “Ўзбек модели” деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширганимиз бугунги кунда биз танлаган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётини эканини тасдиқлаб бераётганлиги бугун Қорақалпоғистон аҳли ҳаётида ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

Бир пайтлар куш учса қаноти куйган Устюрт кенгликларида барпо этилган асримизнинг гигант қорхоналари, яратилган кенг имконият ва шароитлар натижасида қўллаб тадбиркорлик субъектлари ва қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда етакчи кучга айланган фермер хўжаликлари, Қорақалпоғистон иқтисодиётининг юксалиши ва халқимиз турмуш фаровонлигининг кундан-кун ортишига ва шу орқали мустақил мамлакатимиз жаҳоннинг тараққиёт тошган дав-



латлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашга хизмат қилмоқда.

Юртимизда энг бебаҳо неъмат саналган тинчлик-осойишталик туфайли эришаётган барча ютуқларимиз ҳар бир юрдошимизга қувончу гурур бағишланиши, шу кунларга етганимизга шукрона айтишга ундаётгани, шубҳасиз.

Бугунги кунда жонажон Ўзбекистонимизда спорт, адабиёт ва санъат, илм-фан ҳамда бошқа турли соҳаларда яратилаётган кенг имкониятлар мамлакатимизнинг таянчи ва суянчи хисобланган ёшларимиз қалбига фахр-ифтихор, янгидан-янги марраларни забот этишга қанот бағишламоқда.

Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик байрами билан боғлиқ тарғибот тадбирла-

римизда “Гўзал ва бетакроримсан Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган чора-тадбирларни амалга ошириш, мустақилликнинг кадр-қиммати ва муқаддас неъмат эканлигини аниқ фактлаб ва ҳаётини мисоллар билан аҳоли кенг қатламига етказиш, ёшларимиз қалбига гўзал ва бетакрор, муқаддас Ватанга

Ўзбекистон “Адолат” СДП Қорақалпоғистон ҳудудий ташкилоти таркибидagi тузилмалар, маҳаллий Кенгашларда фаолият юритаётган партия депутатлари, фаоллар ва ҳар бир сафдошимиз қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш, энг улуг, энг азиз байрамимизни муносиб кутиб олишда фаол қатнашишни катта шараф ва юксак бурч, деб англамоқда.

Ривож ОТАРБОЕВ,  
Ўзбекистон “Адолат” СДП Қорақалпоғистон  
Республикаси кенгаши раиси ўринбосари

## ҚОНУНЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — давр талаби

Давом. Бошланғич 1-бетда

ЎЗМТДП фракцияси аъзолари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни “Қону ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси”га киритилишида хато юзага келиши эҳтимоли мавжудлигини эътиборга олган ҳолда “Қону ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси”да ҳужжатлар матнлари босма нашрларда чоп этилгандан сўнг эълон қилиниши лозим, деб ҳисоблашмоқда. Шу билан бирга, ЎЗМТДП фракцияси аъзолари тақлиф этилаётган қонуни қурач кучи кирши мuddати 12 ой этиб белгиланганига эътироз билдириб, ушбу мuddатни 6 ойга қисқартиришни тақлиф этмоқда.

Албатта, ЎЗМТДП фракцияси мамлакатимизда замонавий ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши соҳасидаги ислохотлар жадал ривожланиётган даврда қону ҳужжатларининг босма нашрлари устуворлигини илгари суриб, унинг электрон расмий манбаси ишончлигини шубҳа остига олишлари кизикарли ҳолат.

Авваламбор, мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ҳозирги кунга қадар замонавий ахборот технологияларини жамиятимиз ҳаётига табиқ этиш бўйича бир қатор ўта муҳим бўлган Ўзбекистон Республикасининг 14 та қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Вазиrлар Маҳкамасининг 45 тага яқин қарорлари ҳамда 1000 дан ортиқ меъририй-ҳуқуқий ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва бу ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Хусусан, сўнгги йилларда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”, “Жисмоний ва юридик шахс-

ларнинг мувожаатлари тўғрисида”, “Электрон ҳуқуқат тўғрисида”ги ва янги тахрирдаги “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонулар қабул қилиниши ҳамда яна бир қатор қону ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу, энг аввало, аҳолига қулайлик яратиш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кенг турдаги интерактив давлат хизматлари кўрсатиш орқали иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, қонуларнинг амалиётда ижро этилиши механизмларини мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Ушбу қонулар асосида бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг деярли 100 фоизи солиқ ва статистика хисоботлари топширишни, боғжона декларацияларини расмийлаштиришни эски усулдаги қозғ тўлдириш йўли билан эмас, балки бевосита электрон шаклда амалга оширишмоқда. 2015 йилда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилаётган хизматлар сони 60 тага кўпайиб, уларнинг умумий сони 280 тага яқинлашди. Жорий йилнинг ўтган даврида давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан 600 мингдан зиёд мувожаат электрон шаклда қабул қилинган. Бу эса, ўз навбатида, ортиқча расмиятчиликларнинг ва қозғозбозликларнинг олдини олиш, бир неча юз тонналаб қозғознинг тежалиши баробарида, энг муҳими, аҳолига тезкор, сифатли ва қулай хизмат кўрсатишга имкон яратмоқда.

Ана шундай шароитда рақобатдош фракция аъзоларининг қону ҳужжатлари босма нашрларининг устуворлиги таъминланиши ҳамда ундан сўнг ҳужжатнинг элек-

трон расмий манбада нашр этилиши мумкинлиги тўғрисидаги тақлифи ислохотларимиз ортага қайтмаслиги билан боғлиқ тамойилимизга биров тўғри келмайди, назаримизда.

Ваҳоланки, қону ҳужжатлари эълон қилинадиган босма нашрларнинг адади чекланган, қолаверса, улар бир бора нашр этилади. Керакли нашрни қидириб топиш ва ундан фойдаланиш балки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари учун қийинчилик туғдирмас, лекин ушбу нашрлар республикамизнинг барча ҳудудларини бирдек қамраб олмастлиги, ҳар бир фуқаронинг қўлига этиб бормаслиги кундек равшан.

Тақлиф этилаётган қону лойиҳаси билан илгари сурилаётган роя кеча ёки бугун юзага келиб қолгани йўқ. Халқаро тажрибани ўрганиш шуни кўрсатадики, дунёнинг ривожланган деярли барча давлатларида, хусусан, АКШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Жанубий Корея, Финляндияда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қозғоз ва электрон кўринишда расман эълон қилиш бир хил юридик кучга эга ҳисобланади. Бельгия, Дания, Австрия, Нидерландия, Испания, Португалияда эса расмий эълон қилинишининг ягона манбаси ҳужжатнинг электрон шаклидир.

Биз ҳам дунёнинг илгор, ривожланган давлатлари каторидан ўрин эгаллашни мақсад қилган эканмиз, ушбу тажрибани қонуничиликимизга табиқ этиш вақти аллақачон келган, деб ўйлаймиз. Қолаверса, биз ҳам юқорида кайд этиб ўтилган қонуларимизни амалиётга жорий қилиш билан ҳозирда айни шу босқичга этиб келганмиз.

Шу билан бирга, норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий босма нашрларда эълон қилин-

ганда ҳам унинг матнида айрим ҳолларда хатоликлар учраб туради. Бу табиий жараён бўлиб, хато юзасидан ушбу расмий нашрнинг кейинги сонларида тузатишлар берилади. Албатта, Ўзбекистон Республикаси Қону ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида бериладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнида хатолик юзага келадиган бўлса, унга тегишли равишда тузатиш киритилади ҳамда бу ҳақда маълумот келтирилади. ЎЗМТДП фракцияси томонидан назарда тутилган фойдаланувчи кейинги тузатиш ҳақидаги билмаслиги ҳолати расмий босма нашрда ҳам кузатилиши мумкин. Тарафлар судда Қону ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида жойлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар электрон версияларининг тузатилишини юқоридаги маълумотни ишлаб чиқариш мумкин.

ЎЗМТДП фракцияси аъзолари тақлиф этилаётган қонуннинг кучга кириш мuddати 12 ой этиб белгиланганига эътироз билдириб, ушбу мuddатни 6 ой этиб белгилани тақлиф қилишмоқда. Бу билан фракция аъзолари ўзлари томонидан билдирилаётган ҳужжатнинг электрон

базасига киритишда хато юзага келиши эҳтимоли ҳамда ушбу жараёнда инсон омили мавжудлиги билан боғлиқ шубҳаларига қарши чиқишмоқда. Яъни, ушбу жараёнда шояма-шоямликка йўл қўйиб бўлмайди. Бизнингча, 12 ойлик мuddат мақбул саналади. Ушбу мuddат ичида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни LexUzда расмий эълон қилишнинг тегишли техник талаблари ишлаб чиқиши ва шу асосда LexUzнинг дастурий таъминоти модернизация қилиниши, ахборот хавфсизлиги талаблари қайта кўриб чиқиши ҳамда унинг янада кучайтирилиши, LexUzнинг техник таъминоти яхшиланиши (маънан ва жисмонан эскирган технологияларнинг янгиланиши), LexUz серверининг захира нусхасини яратиш, зарур лицензияланган дастурий воситалари билан таъминланиши лозим.

Шу билан бирга, Қону ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида жамланган 40 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишончлигини таъминлаш учун уларни қайтадан тўқилиш инвентаризациядан ўтказиш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш лозим бўлади.

Умуман, ўтган давр мобайнида қону ижодкорлиги жараёни кенгайтиб, мураккаблашиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганига ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошгани бу соҳада қонуничиликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонуларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар эҳтиёжларига мос бўлишини тақозо этмоқда.

Тўлқин АБДУСАТТАРОВ,  
Олий Мажлис Қонуничилик палатасининг Қонуничилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари,  
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

### ИФТИХОР

Замондошимиз — Самарқанд туманидаги “Гулбод” касб-хунар коллежи ўқувчиси Азиза Усмонова “Президент асарларининг энг яхши билимдони” мавзусида ўтказилган вилоят кўрик-танловида голиб деб топилди. Коллежда бўлғуси касб сирларини пухта ўзлаштириш билан бирга ўз сиёсий билимларини ошириб бораётган, “Адолат” СДП аъзоси Азизага вилоят ҳокимлигининг энг зукко ўқувчисига аталган қимматбахо совғаси топширилди.

### КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИСИ — меҳнат бозорида муносиб рақобатчи

Самарқанд туманидаги 5 та ўрта махсус касб-хунар коллежини бу йил 1558 нафар ўқувчи 28 та мутахассислик бўйича битириб чиқди. Уларнинг аксарияти ўз бизнес лойиҳалари билан меҳнат бозорида муносиб рақобатчи бўла олишларини исботлаган. Ёшларнинг бизнес лойиҳасида боғдорчиликда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этишдан тортиб, кишлоқда интернет, сервис хизматларини йўлга қўйиш, балиқчилик, асарчиликни ривожлантиришга бўлган долзарб тақлифлар ўз аксини тошганлиги билан эътиборлидир.

Дарвоқе, фақат шу йил хисобдан туманда коллеж битирувчиларининг 10 та инновацион кичик корхонаси ташкил этилиб, улар ўз махсусотлари ва хизматлари билан буюртмачилар назарига туша бошлади. Тижорат банклари билан тузилган шартномага мувофиқ коллеж битирувчиларининг тақдим этилган бизнес лойиҳаларига 2 миллиард 313 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратиш режага киритилди. Бу ёш мутахассисларнинг тадбиркорлик билан шугулланишлари учун янги имкониятлар яратиланти, деган гап. Ўз навбатида, тумандаги “АгроМар”, “СамРосХолод”, “Гулбод мебель” сингари ўндан ортиқ йирик саноат корхоналари қоллеждар билан яқин ҳамкорликда ишлаб, битирувчиларнинг ишга жойлаштирилиши ва яхши мутахассис бўлиб етиштирилишига астойдил қўмақлашмоқда.

Ёшларга кўрсатилаётган эътибор эса уларнинг иқтисодиётни ривожлантириш йўлидаги тақлифларини рўёбга чиқаришга, меҳнат бозорида муносиб рақобатчи шакллантиришга хизмат қилмоқда.



Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,  
“Адолат” муҳбири

Суратда: тумандаги агроаноат касб-хунар коллежининг битирувчи механикаторлари.

### ПАРТИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ АМАЛДА

Шу кунларда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида, барча юртдошларимиз катори, Ўзбекистон “Адолат” СДП фаоллари томонидан ҳам жойларда кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент вилояти, Чиноз тумани партия кенгашлари ҳамкорлигида тумандаги хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт коллежиди “Ватан равақни йўлида барчамиз масъулмиз” мавзусидаги

Абдуқамол Раҳмонов мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, жамиятда адолат тамойиллари қарор топишида Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг ўрни ҳақида сўз юритиб, бу борада партиянинг “Ёш адолатчилар” қаноти аъзо-

мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшаётганлиги кенг кўламли сўй-ҳаракатларнинг юксак натижасидир.

Тадбир давомида коллеж ўқувчиларининг “Мустақиллик меннинг тақдиримда” мавзусида билдирган фикр-мулоҳазалари барчанинг диққатини жалб этди. Истиқлол фарзандларининг ёрқин оруз-мақсадлари, билимдонлиги, мустақил фикрлаши, юртсевар ва ўзига ишонган ёшлар эканлиги уларнинг чиқишларида яққол акс этди.

— Биз дунё ҳавас қилаётган, тобора ривожланиб, йилдан-йилга обод бўлаётган мустақил Ватанимизда соғлом ва барқамол бўлиб улғаймоқдамиз. Биз, ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор, ғамхўрликларга ўз ютуқларимиз, халқимизга садоқатимиз, изланиш ва меҳнатимиз билан жавоб беришимиз, ишонччи оқлашимиз шарт. Ушбу тадбир тенгдошларимизда Ватанимиз равақи учун масъуллиқ ҳиссини янада оширди, — дейди хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт коллежи ўқувчиси, “Адолат билимдони” танлови голиби Муштарий Мансурова.

Учрашувда туман мусика мактаби ҳамда хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт коллежи ўқувчиларининг она юртимиз, маънавий қадриятларимизни мадҳ этувчи бадий чиқишлари барчага байрамона қайфият улашди.

\*\*\*

Шунингдек, Ўртачирчиқ туманидаги болалар оромгоҳида мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган “Болалар-

га эътибор — келажакка пойдевор” мавзусидаги маданий-маърифий тадбир ҳам болажонларга бир олам қувонч улашди.

“Тошкент денгизи”нинг сўлим кирғонда жойлашган “Меҳржон” болалар соғломлаштириш оромгоҳида вилоят, шаҳар, туман, шунингдек, Хоразм вилояти “Меҳрибонлик уйи”дан келган 250 нафардан зиёд болалар ёз мавсумини жуда соз ўтказмоқда. Болаларнинг ҳар бир қуни жуда қўнғилли ва мароқли тадбирларга бой бўлмоқда.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати, Тошкент вилояти ва Ўртачирчиқ туман кенгашлари ҳамкорлигида партиянинг “Саховат — бе-назир қадрият” лойиҳаси доирасида ташкил этилган учрашувни Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Р.Толипов очди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонуничилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлари, Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши, “Қамолот” ЁИХ вилоят бўлими қошидаги “Саломатлик ва экология” маркази, Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш



институтини масъул ходимлари юртимиз фарзандларига катта ғамхўрлик, меҳр ва эътибор кўрсатилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Тадбир давомида викторина уйинлари, жонли мулоқотларда болажонлар ўзига хос кизиқтирилган намоён этишди, унда фаол катнашган ўғил-қизларга Тошкент вилоят партия кенгаши, “Қамолот” ЁИХ вилоят бўлими ва хомийларнинг байрам совғалари топширилди.

“Меҳржон” болалар оромгоҳида ўтказилган спорт мусобақалари, турли кўрик-танловлар голиблари, тарбиячи ва етакчилар фахрий ёрлик-

лар ва совғалар билан рағбатлантирилдилар.

Таниқли санъаткорларнинг чиқишлари болаларнинг беғубор қалбини янада қувонч шодликка тўлдирди. Болажонларга тўқин дастурхон ёзилди. Бир сўз билан айтганда, “Меҳржон”да чинакам саховат байрами бўлди, дейиш мумкин.

Жамшид РАБИЕВ,  
Ўзбекистон “Адолат” СДП  
Тошкент вилоят кенгаши  
раиси ўринбосари,  
Анора КАРИМОВА,  
журналист



тадбир ҳам ана шу мақсадда ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонуничилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари, Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, партия фаоллари, туман ички ишлар бўлими, вилоят прокуратураси вакиллари, маҳаллалар фаоллари ва ёшлар иштирок этишди. Мустақиллигимизни кўз қорачиқдек асраб-авайлаш, тинчликни қадрлаш, ёшларда фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, қонуларга ҳурмат ҳиссини оширишга қаратилган ушбу учрашувда дастлаб иштирокчиларга “XXI аср фитнаси” номли видеофильм намойиш қилинди.

Тадбирда сўзга чиққан партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари

ларининг ибратли ишлари ва ютуқлари руҳусида алоҳида тўхталиди.

— Республикаимизда ёш авлодга таълим-тарбия бериш ва ўқитиш, уларни касб-хунарга йўналтириш, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга қаратилган миллий таълим тизими мустаҳкам ҳуқуқий асосларга эга, — деди Қонуничилик палатаси депутати Абдуғани Умиров. — Истиқлол йилларида юртимиз фарзандларига кўрсатилаётган эътибор ва рағбат тўғрисида ёшлар юрт таянчи ва суяничи бўлиб қамолга етмоқда. Замонавий билим ва хунарларни пухта эгаллаган иқтидорли, интеллектуал салоҳиятли навқирон авлод вакиллари ҳар бир соҳада ўз қобилиятини намойён қилаётганлиги,

Ташаббус кўрсатиб ишлаш

янги ютуқларга етаклайди

БПТ — ПАРТИЯ ТАЯНЧИ

Партиямиз мақсад ва гоёларининг кенг жамоатчилик орасига чуқурроқ кириб бориши, электротранспорт манфаатини кўзлаб амалга ошириладиган ишлар самарадорлигини оширишда бошланғич партия ташкилотлари муҳим ўрин эгаллайди.

Олтинсой тумани марказидан анчагина олдига бўлган, пурвиркор тоғлар орасида жойлашган "Хўжайиш" маҳалласида ўз фаолиятини бошлаган янги бошланғич партия ташкилоти фикримизнинг далилидир.

си сайловларда фаол иштирок этишга ҳозирданок пухта замин тайёрлаб бориш учун биз замон руҳига мос равишда ишлашимиз керак.

— Бугунги шиддаткор давр ҳар бир фуқародан ўз мустақил фикрига эга бўлишни, жамиятда кечаётган ўзгаришларга нисбатан дахлдорлик ҳисси билан яшаш, ўз фуқаролик позициясини бил-



дириб боришни тақозо этади. Акс холда, инсонда лоқайдлик ва беғамлик пайдо бўлиши мумкин, — дейди БПТ раиси Зойиржон Ғиёсов.

хар томонлама ижобий ҳол, албатта. Мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнлар, жамият ҳаётида фаол иштирок этиш, партиямиз илгари сурган ва кўпчиликларида бепарволик қилишга, "менга нима" қабилда яшашга ўрганиб қолишди.

тимий-сиёсий фаоллигини ошириш, аниқ вазифалар ижроси орқали ҳудудда партиямиз мавқеини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг тиббий, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ташаббус кўрсатиб ишлашни мақсад қилганлар.

Мақсуд Тўраев, Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби

ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят ва Қарши шаҳар кенгашлари ташаббуси билан партиянинг "Инновацион фаолият — тараққиёт гарови" лойиҳаси доирасида "Таълим соҳасида инновацион технологияларнинг қўлланилиши" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Таълим самарадорлигини оширишда инновацион технологияларнинг ўрни

Қарши шаҳридаги Нуристон академик лицейида ўтказилган ушбу тадбирда маҳаллий Кенгаш депутатлари, ихтирочи олимлар, олий ўқув юртлири ўқитувчилари ва талабалари, маҳаллалар вакиллари, фаоллар, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таълим соҳасида инновацион технологияларни қўллаш борасида кенг қамровли иш олиб бораётган "Адолат" социал-демократик партияси ҳам инновацион гоёларни илгари сураётган ёш олимларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини кўтариш, интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, истиқдорли ёшлар илм-фанга кенг жалб этилишини рағбатлантириш, ёш олимларнинг муҳим илмий изланишлари натижаларини амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизимини ислох қилиш ва такомиллаштириш, унга илгор педагогик ва замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, — дейди тадбир иштирокчиси, Қарши муҳандислик институтининг ўқитувчиси Хайрулла Давланов.

— Таълимга ва барча тармоқларга инновацион гоё ва технологияларнинг кириб келиши, айниқса, ахборот-коммуникация соҳасидаги ўзгаришлар ўзмир-ёшларнинг билим олиш имкониятларини кенгайтириб юборди.

Тадбирда сўзга чиққан тақрибали педагог, вилоят партия кенгашининг "Аёллар қаноти" етакчиси Азима Зайнуллоева, халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати Акмал Бобоев, "Ёш адолатчилар" қаноти етакчиси Хусниддин Бердимуродов ва бошқалар ҳам таълим соҳасида инновацион технологияларни татбиқ этиш орқали "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш, ёш авлоднинг манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ёшларга оид сиёсатнинг мавжуд қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида фаол иштирок этишни таъминлаш сингари масалалар ҳусусида фикр-мулоҳаза юритдилар.

Комил САХАТОВ, "Адолат" муҳбири

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

Анджон вилоятида "Худудий ННТлар фаолияти самарадорлигини ошириш орқали давлат дастурларида белгиланган вазифаларни бажаришда ижтимоий шериклик муносабатлари механизми ва шакллари янада такомиллаштириш" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

ННТлар билан ҳамкорлик



Таъкидланганидек, жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялаш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш жараёнида ижтимоий шериклини янада кучайтириш ҳамда соҳага фуқаролик жамияти институтлари грант лойиҳалари кенг жалб қилинишига жиддий эътибор қаратилмоқда.

2011-2015 йиллар давомида парламент ҳузуридаги жамоат фонди томонидан эълон қилинган грант танловларида вилоятдаги 173 та нодавлат ношароит ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўзларининг 233 та муҳим ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалари билан иштирок этганлиги қувонарли.

— Таъкидланганидек, жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялаш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш жараёнида ижтимоий шериклини янада кучайтириш ҳамда соҳага фуқаролик жамияти институтлари грант лойиҳалари кенг жалб қилинишига жиддий эътибор қаратилмоқда.

— ННТлар билан ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий соҳаларда ҳамкорликка қаратилган қатор меморандумлар имзолашни режалаштирдик, — дейди вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Шерзодбек Валиев.

Акбаржон НАЗАРОВ, Анджон вилоят кенгаши матбуот котиби

Она ва бола соғлиғи бахтиёр келажак гарови

СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ — ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда Миробод туман кенгаши ҳамкорлигида "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ марказий клиник шифохонасида "Оиланинг бахти — соғлом оналик ва болалиқда" мавзусида тадбир ўтказилди.

Партиянинг "Соғлом оила — соғлом жамият — порлоқ келажак" лойиҳаси доирасида бўлиб ўтган мазкур анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, партия фаоллари, "Ёш адолатчилар" қаноти аъзолари, шифохона ходимлари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, мустақилликнинг илк йиллариданок юртимизда соғлом она — соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишидан бирига айланди. Кенг қўламли умуммиллий дастурлар доирасида амалга ошириладиган ишлар аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилишига зарур шарт-шароитлар яратиш, оилаларда тиббий маданиятни шакллантиришда муҳим оим бўлмоқда.



лат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлиги ва узок умр кўриш даражасини ошириш мақсадида болаларнинг соғлом туғилиши ва ёш авлод тарбияси учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил ишлар амалга оширилмоқда.

қанчасига замон талабидан келиб чиқиб, ўзгариш ва қўшимчалар киритилгани бугунги кунда юртимизда фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилганини амалда намоён этди.

— Президентимизнинг "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсимирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарори моҳияти эътибори билан болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш ва ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтаришга ҳизмат қилмоқда, — деди "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ соғлиқни сақлаш хизмати бошлиғи, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Тошпўлат Матбаев.



барча босқичларида оналар, болалар, ўсимирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича сиёсатни тиббий хизматлардан кенг ва бир хил фойдаланишни таъминлаш, тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини муассасаларида оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш соҳасидаги тиббий кадрлар салоҳиятини ошириш, оналар, болалар ва ўсимирларга малака тиббий ёрдам кўрсатиш борасида замонавий инфрату-

зилмани ривожлантиришга йўналтирилган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайлов олдиди дастурида белгиланганидек, партия скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғуруқ мажмуалари, гинекология ва патронаж хизматлари фаолиятини доимий такомиллаштириб бориш тарафлари бўлиб, мамлакатимиз келажак соғлом ва хар томонлама уйғун ривожланган ёшлар кўлида, деб ҳисоблайди.

Шу нуқтани назардан ўзбекистон "Адолат" СДП фаоллари ва хайрихоҳлари қўллаб-қамраб ва давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда партиямизнинг "Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур", "Соғлом оила — соғлом жамият — порлоқ келажак", "Соғлом турмуш тарзи йўлида бирлашайлик" каби лойиҳалари доирасида оналик ва болалиқни ижтимоий ҳимоялаш, туғуруқ ёшидаги аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, аҳоли орасида тиббий маданиятини янада оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда.



тахкамлаш тизимини янада такомиллаштириш, ёшларда соғлом оила қуриш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш кўникмаларини кучайтириш, жойлардаги мавжуд камчиликларни ҳал этишда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Феруз Жўраев, Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати котиби

ДЕПУТАТ ЁШЛАР ҲУЗУРИДА

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Умид Сулаймонов Фарғона шаҳридаги алоқа касб-ҳунар коллежи битирувчилари билан "Интернет маданияти ва ахборот хавфсизлиги муҳим вазифамиздир" мавзусида учрашув ўтказди.

Қонун барчага баробар

Тадбирда вилоят партия кенгаши вакиллари, ўқитувчи-педагоглар, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи, "Ёш адолатчилар" қаноти аъзолари ҳам қатнашиб, мулоқот чоғида глобаллашув жараёнидаги салбий таъсирларга қарши ёшларда мафсуравий иммунитетни мустаҳкам шакллантириш омилида ҳақиқатда ўз фикрларини баён этишди.

Қонунчилик палатаси депутати Умид Сулаймонов таъкидлаганидек, маънавий қадриятларимиз, миллий анъаналаримизни асраб-авайлаш орқали ёшлар қалбига она юртва муҳаббат, истислолга садоқат туйғуларини чуқур синдириш мустақилликимизни мустаҳкамлашга ҳизмат қилади, навқирон авлод вакилларидаги юксак марралар сари интилишларини кучайтиради.

Бу борада, энг аввало, фарзандларимиз билан хар қуни ота-оналардан ҳам кўпроқ ишловчи педагогларнинг ёрдами бекиёсдир.

Қайд этилганидек, ахборот олами янгилиги ва ўзгарувчанлиги билан ҳамisha ёшлар қатламини ўзига жалб этиб келган. Лекин ёшларнинг хар бирида ҳам ўз олдига қўйган аниқ мақсади бўлса ва фуқаролик бурчи пухта шаклланса, уларга ҳеч қандай ахборот хурурлари таъсир ўтказа олмайди.

Шунингдек, Марғилон шаҳридаги педагогика коллежи ўқувчилари билан бўлган учрашувда ҳам У.Сулаймонов "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонун мазмун-моҳияти, уларга яратилган кенг имкониятлар, юртимизда ёшларнинг ёрқин келажак йўлида амалга ошириладиган ислохотлар, бу борадаги қонунчилик асослари тўғрисида сўз юритди.

— Хар йили мамлакатимизда минглаб ўқувчилар коллежларини тамомлаб, ўз йўналишлари бўйича турли касб-ҳунарларни эгаллайдилар. Уларнинг қўп қисми касбий маҳоратини оширишга, ҳунармандчилик, кичик бизнес, маиший хизмат ва бошқа соҳаларда тадбиркор бўлишга интиладилар, бизнес лойиҳалар тузиб, аниқ режа асосида ҳаракат қилдилар. Уларнинг айримлари ҳуқуқий жиҳатдан етарлича билим ва қўникмаларга эга бўлмагани боис, қўмакка муҳтож бўладилар. Коллеж битирувчилари билан суҳбатлашганимизда уларнинг баъзилари ушбу ҳолни олий маълумотга эга бўлмагани билан боғлашди.

Комила ИСРОИЛОВА, Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби

Давоми. Бошлангиш 1-бетда

Урганчининг географик жиҳатдан қулай ўрнида, воҳанинг марказида, тарихий савдо йўллари ўртасида жойлашгани, бир томони сув йўли — Амуударёга яқинлиги, шаҳар марказидан катта каналнинг оқиб ўтиши унинг кўп асрлар давомида ўзига хос тарзда шаклланишига замин тайёрлади. Лекин шаҳарнинг ижтимоий-истисодий, маданий-маърифий маркази вужудга келиши осон кечмади. Тор кўчалар, хар хил бунёд этилган турар жойлар, қурилиши талабга жавоб бермайдиган ишотлар шаҳар маркази юзга келишига тўсқинлик қиларди. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин шаҳар маркази инфратузилмасини янгидан шакллантиришга киришилди. Аввало, марказий кўча ҳам анига, ҳам бўйига кенгайтирилди. Унинг марказий қисмида Урганч куранти, Отаҳий номдаги мусикали драма театри, вилоят Кенгашлар уйи, вилоят ҳокимияти биноси, молия бошқармаси, банклар ва яна бошқа ташкилотлар учун мухташам ишотлар қурилди. Бу маъмурий бинолар, ишотлар нафақат ушбу марказий кўчанинг кўрғинга кўрқ қўшди, балки шаҳар марказини ҳам вужудга келтирди. Кўчага урганчликлар буюк мутафаккир Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий номини беришди. Шаҳар кенгайтгани учун кўча ҳам икки томонга узайтирилди. Шундай қилиб Ал-Хоразмий кўчаси шаҳарнинг икки дарвозаси — шарқда Урганч темир йўл вокзали ва шимолда Урганч халқаро аэропортини бир-бирига туташтирди. Кўчанинг икки томонида янги ишотлар қуриш учун имкониятлар юзга келди.

Хар бир шаҳар қиёфасида, табиий равишда, шу шаҳар жойлашган ҳудуд ва унда яшайдиган халқнинг ҳаёт тарзига хос муҳим хусусиятлар, белгилар ўз инъикосини топади. Маълумки, Хоразм мамлакатимизнинг олис ўтмиш тарихидан гувоҳлик берувчи, дунё илм-фанига катта ҳисса қўшган улуг алломалар яшаб ўтган, қадимий ёдгорликларга бой ўлкалардан бири ҳисобланади. Шу маънода воҳанинг олис ўтмиш билан боғлиқ тарихи Урганч шаҳрининг замонавий қиёфасида ҳам аксини топиши керак эди. Мамлакатимиз Президенти бу шаҳар қурилишида ана шу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратди. Хоразмга таширф буюрганида Ал-Хоразмий кўчасининг аэропорт билан туташган нуктаси яқинида буюк мутафаккирлар Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий ва Абу Райҳон Берунийга бағишлаб ёдгорликлар ўрнатилиши ҳақида кўрсатма берди. Қисқа вақт ичида кўчанинг икки томонида боғ-ёдорликлар мажмуалари қад ростлади. Бу ёдгорликлар Хоразмнинг қадим меъморчилик анъаналари асосида барпо қилинди. Ёдгорликларнинг баланд пештоқлари, пештоқлардаги китоблар, мовий қошлар, улардаги исломий гуллар, турли шакллар, бурчаксимон тарзда тикланган гўмбазлар, устулни ярим очик айвонлар, айвонларнинг гулдор қошлар билан безатилган деворлари улуг алломалар яшаб ўтган даврларга монанд яратилди. Бу ёдгорликлар эндиликда замонавий шаҳарозликда Хоразм қадим меъморчилигининг янги тимсолларига айланди.

Ал-Хоразмий шохқўчасининг шарқий қисмини замонавий тарихий асосда шакллантиришда ҳам мамлакатимиз Президентининг кўрсатмалари муҳим роль ўйнади. Юртбошимиз савий-харакати билан Шовот каналининг чап соҳилида Ватанимиз озодлиги йўлида жонини фидо қилган доворак курашчи, миллий қаҳрамон Жалолиддин Манғубердиннинг 800 йиллиги муносабати билан кўркам ёдгорлик боғ яратилди, — дейди Урганч давлат университети проректори Иқром Абдуллаев. — Боғ тўрида буюк ватанпарвар аждодимизнинг маҳобатли ҳайкали қад ростлади. Унинг қиёфасида халқ бахт-саодати учун курашган инсоннинг мардлиги ифодасини топди. Мамлакатимиз раҳбарининг тақлифига кўра Шовот каналининг ўнг соҳилида дунё адабиёти, тарихи ва китобат санъатининг илк намунаси ҳисобланган, инсониятни эзгу оруз, эзгу ғоя, эзгу амал йўлида бирлаштираган, Хоразмда яратилган “Авесто” асарининг 2700 йиллигига бағишлаб “Авесто” ёдгорлик-мажмуаси тикланди. Ёдгорлик тимсолида халқимизнинг юксак маънавияти, олис ўтмиш тарихи улуғланди.

Бу ёдгорликларга туташ нуктада, кўчанинг марказий қисмида улуг аллома, буюк мутафаккир Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг мухташам ҳайкали ўрнатилди. Бу ҳайкал нафақат шу кўчанинг, ундаги тарихий ва замонавий мажмуаларнинг марказига айланди, балки шаҳарнинг барча нукталарини, кўчаларини ўз пойида бирлаштирди. Шундан кейин Урганч шаҳрини замонавий шаҳарозлик та-



лаблари асосида қайта қуриш мақсадида умумий қиймати 112 миллиард сўмни ташкил этадиган дастур ишлаб чиқилди. Кенг қўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Хозирги пайтга келиб, бу марказий кўчада биринчи қаватини савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари эгаллаган 20 дан ошмиқ кўп қаватли турар жой биноси, 10 та савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш объектлари қурилди. Булардан ташқари, бу ерда хар бири 25 ўринли юқори даражадаги 3 та меҳмонхона барпо этилди. Ал-Хоразмий кўчасининг марказий чорраҳасида 4 та замонавий супермаркет ҳамда

яратиш бунёдкор халқимиз қўлидан келар экан-ку, биз ҳеч қимдан кам эмасмиз, деган фахр-ифтихор туйғуларини ўтишти, шубҳасиз. Ҳақиқатан ҳам, бу ердаги хар бир ишот, бино замонавий меъморчиликнинг янги усуллари, лойиҳалари асосида яратилган. Шунинг учун ишотларнинг тархи, қурилиш техникаси, ранглар уйғунлигида ўзаро яхлитлик бор. Бир иморатдаги гўзалликни иккинчи ишотдаги кўркамлик тўлдириб боради. Биноларнинг олд қисмидаги нақшлар, безаклар ҳам алоҳида эътирофга лойиқ. Маълумки, аждодларимиз арқлар, мадрасалар, саройларнинг

рининг кирғоқларини ихоталаш ишларига алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, замонавий шаҳарозлик маданиятини шакллантиришда муҳим бўлган кўккаламзорлаштириш ишларини воҳанинг туپроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқиб ташкил этиши, бу ерда ландшафт архитектурасидан кенг фойдаланиш хусусида амалий маслаҳатлар берди. 2013 йилдан кейин шаҳарда қайта қуриш борасида катта ишлар амалга оширилди. Айни пайтда, Урганч темир йўл вокзали капитал реконструкция қилинди. Марказий биноси қайта қурилди. Янги перрон, ёғи павильон яратилди. Вокзал

ё сув йўллари бўйларига қургандар, ё шаҳарлар бағридан ўтадиган қўллаб сув тармоқлари барпо этилганлар. Бу шаҳарларни оби-ҳаёт билан таъминлашдан ташқари уларга салқинлик, кўрқ бағишлаб, обод ва гўзал бўлишига хизмат қилган. Урганч шаҳри бағрини ҳам Шовот канали, бир неча анҳорлар кесиб ўтган. Уларни шаҳарга ҳаёт бағишловчи қон томирлар, дейиш мумкин. Афсуски, кўп йиллар давомида бу сув йўллари эътибор берилмай келди. Шаҳарга гўзаллик, кўркамлик, ободлик бағишлайдиган ва масканлар ахлат ва чиқиндилар ташланадиган жойларга айланди. Баъзан сув сатҳининг кўтарилиши натижасида канал соҳилларида заҳланши кучайди. Шу сабабли Урганч шаҳрини қайта қуриш, бунёдкорлик жараёнида канал соҳилларини ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада канал тўла равишда тозаланди. Унинг шаҳар бағрини кесиб ўтувчи 6 километрга яқин соҳиллари гранит тошлар билан қопланди. Қирғоқлар ихоталанди. Соҳилларда қўллаб хиёбонлар, боғлар, дам олиш масканлари пайдо бўлди. Болалар учун турли оромгоҳлар ишга туширилди. Бу ишларни амалга оширишда республикамизнинг барча вилоятларида муҳандислар, ҳунармандлар, боғбонлардан тортиб, турли соҳа вакиллари иштирок этилди. Шу тариха бу ерда республикамиз вилоятларига хос бўлган шаҳарозлик анъаналари, меъморчилик усуллари, боғ яратиш санъати намуналари пайдо бўлди. Эндиликда канал соҳиллари туну кун урганчликларнинг қадими узилмайдиган масканлардан бирига айланган.

Урганч шаҳрида авваллари гул, дарахт экиб кўкартириб бўлмади. Ерининг шўрлиги, сувнинг заҳлиги сабабли қуриб қоларди. Шаҳаримизда бунёдкорликлар бошланганидан кейин уни кўккаламзорлаштиришнинг ҳам илҳами топилиди, — дейди “Нуроний” жамғармаси Хоразм вилоят бўлими раиси Баҳодир Бобоҷонов. — Аввало, шаҳарда каналлаштириш тармоқлари тўла ишга тушди. Заҳ сувлар йўқ қилинди. Дарахтлар, гуллар экиладиган, кўка-

## КЎҲНА ВОҲА МАРКАЗИНИНГ ЯНГИ ЖАМОЛИ

38 та сервис ва хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилди. Ташқир ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали учун бунёд этилган мухташам янги ўқув биноси шаҳарнинг кўрғинга кўрқ қўшиб турибди. Унинг яқинида талабалар учун 160 ўринли турар жой биноси қурилди. 2012 йилда 1 миллиард 800 миллион сўм маблағ ҳисобидан шаҳарнинг канализация тармоқлари қайта таъмирланди. Ал-Хоразмий кўчасининг икки томонида янги йўллар яратилди. Дарахтлар, гуллар экиди. Яшиллик бурканган хиёбонлар, болаларнинг дам олиш учун майдонлар, атрофга салқинлик таратадиган фаворалар шаҳарга гўзаллик, кўркамлик бағишлади. Хуллас, марказий кўчадаги бу қайта қуриш, бунёдкорлик ишлари Урганчда шаҳарозликнинг янги, замонавий қиёфасини яратди.

Шаҳарнинг хар бир қирғи ерини яхши биламан. Илгари бу ерда бирор янги иморат, ишот қуриш ниҳоятда қийин кечарди. Аввал юқоридан рўхсат берилмасди, рўхсат берилган тақдирда ҳам қуриш қийин эди. Ишот асосини қуриш учун ери сад қазангиз сизот суви чиқиб кетарди. Сизот суви барта-раф этиш учун канализация йўқ эди. Натижада битта ишот 10-15 йил ичида зўра қуриларди, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи Рустам Султонов. — Энди эса уч-тўрт йил ичида нафақат битта иморат ёки ишот барпо этилмоқда, балки бутун бошли шаҳарнинг беш-ўнга кўчаси, кўчанинг икки томонидаги кўп қаватли юзлаб бинолар, янги мавзелар, даҳалар, спорт ишотлари, коллежлар, лицейлар, олий ўқув юрталарининг бинолари янгидан бунёд қилинмоқда. Бунёд қилинганда ҳам аждодларимиз анъаналарига мос равишда миллий ва жаҳон меъморчилигига хос замонавий асосда яратилмоқда. Биз ана шундай шаҳар қуришни оруз қилгандик. Бу орузларни рўёбга чиқариш фарзандларимизга насиб этди. Шундан хурсандимиз.

Ал-Хоразмий кўчасидаги замонавий шаҳарозлик маданияти асосида барпо этилган янги турар жой бинолари, савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш уйлари, корхоналар жойлашган ишотларнинг хар бири кўркамлик, гўзаллик, ободлиги билан эътиборни тортади. Уларни қўрган хар қандай одам қалбидан шундай обод масканни, гўзал, мухташам иморатларини

пештоқларини турфа рангдаги гулдор қошлар, ўйма ва бўртма майолика нақшлар, арабий ёзувлар, тасвирий санъат намуналари билан безаганлар. Бу ердаги ишотларнинг пештоқларида ҳам аждодлардан мерос гулдор қошлар билан безаш усули кенг қўлланилган. Ушбу усул биноларнинг ташқи гўзаллигини оширган, воҳага хос миллий руҳини ёқини намоен қилган. Шу тариха бу ишотларда тарихий меъморчиликнинг энг яхши анъаналари билан замонавий меъморчилик ютуқлари ўзаро уйғунлашиб кетган. Қўчанинг кенглиги, очиклиги атрофдаги бинолар бор кўржи, маҳобати билан намоен бўлишига хизмат қилган.



Мамлакатимиз раҳбари 2012 йилнинг кузида Хоразмга таширф буюрганида Урганч шаҳрининг Ал-Хоразмий кўчасида шаҳарини қайта қуриш, ободонлаштириш, замонавий шаҳарозлик маданиятини яратиш борасида ошиб борилаётган бунёдкорлик ишларига юксак баҳо берди. Шу билан биргаликда шаҳарнинг келгусида қайта қуриш, ривожлантириш йўлида қурилиш ва бунёдкорлик ишларини босқичма-босқич давом эттириш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Бу борада қурилиш жараёнида Хоразмнинг ўзига хос табиий иқлим шароитини ҳисобга олиш, ер остидаги сизот сувларини қочириб, унинг сатҳини пасайтириш учун коллекторлар тизимини такомиллаштириш, шаҳар бағридан ўтган канал ва сув йўлла-

олди ободонлаштирилди, кўркам хиёбон, фаворалар барпо этилди. Вокзал тўла маънода замонавий қиёфа касб этди.

Ал-Хоразмий кўчасида бошланган қайта қуриш, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари шаҳарнинг Мустақиллик, Беруний, Пахлавон Махмуд ва бошқа кўчаларида ҳам давом этди. Урганчининг темир йўл вокзалига туташ бўлган шарқий-жанубий қисми бутунлай қайта қурилди. Бу ердаги замонавий шаҳарозлик талабларига жавоб бермайдиган эски турар жойлар, корхоналар бинолари, турли ишотлар бузилди. Эски, тор кўчалар ўрнига автомобиллар катнови учун имкон берадиган кенг йўллар қурилди. Йўллар атрофида

дамзор қилинадиган масканларнинг туپроқ қатламлари алмаштирилди. Натижада шаҳар бағри гулларга тўлди, унинг турли нукталарида Беруний, Хоразмий, Нажмиддин Қубро, Авесто, Жалолиддин Манғуберди номларида боғлар пайдо бўлди. Шаҳарнинг 300 гектардан ошмиқ ҳудудда эколандшафт тизими яратилди. Буларнинг бари шаҳаримизга гўзаллик билан бирга муссафоллик ҳам бағишлади.

Урганч шаҳрининг замонавий қиёфасини намоен қилувчи масканлардан яна бири Ёшлар боғи ва кўли ҳисобланади. Утган икки йил ичида шаҳар марказидаги собиқ истирохат боғининг бир қисми ёшларнинг дам олиш маскани, Ёшлар боғи сифатида қайтадан бунёд этилди. Унга кириб боришдаги миллий асосда қад ростлаган арка, қўлдаги кема, фаворалар, кўл атрофидаги анвоий гуллар хар қандай одамда хуш таассурот уйғотади. Кўл ўртасидаги иккита оролда халқимиз тарихига оид қўришлар, аждодларимиз яшаган ғорлар, шаҳарларимизда барпо этилган қадимий машҳур ёдгорликлар, обидаларнинг кичрайтирилган макетлари ўрин олган. Умуман, бу ердаги барча ишотлар шаҳарозликда тарих ва замонавийликни ўзаро боғлаш учун хизмат қилган. Бу эса ёшлар ҳаётида ниҳоятда муҳим ўрин тутади.

Аждодларимиз шаҳарозликда бир анъанага қатъий амал қилганлар. Улар шаҳарларни

тўрт қаватли 30 га яқин турар жойлар барпо этилди. Шаҳар бағрида янги даҳа вужудга келди. Гўзал, мухташам, воҳа иморатозлиги ютуқлари асосида, тарихий ва замонавий шаҳарозлик анъаналарига амал қилган ҳолда қурилган бу ишотлар шаҳар қиёфасини тўбдан янгиллади. Айни пайтда, даҳада янги ташдан масканлари — мактаблар, коллежлар, болалар учун тарбия масканлари ҳам ишга туширилди. Янги даҳа бағрида яна бир улғувор ишот — воҳада ягона бўлган спорт манежи барпо этилди. Салкам 10 гектар ери эгаллаган бу спорт мажмуасида спортнинг барча турлари билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар яратилди.

Янги даҳа аҳолисининг аксарият қисмини ёшлар ташкил этади. Бу ерда барпо этилган ишотлар, спорт мажмуаларининг барчаси ёшлар учун хизмат қилмоқда. Таълим мусассаларида ёшлар билим олмақдалар. Шунинг учун урганчликлар янгидан қурилган даҳани “Ёшлар шаҳарчаси”, деб атадилар. Бу шаҳарчада Урганчининг замонавий ва навқирон қиёфаси ўз аксини топтоқда, — дейди шаҳардаги 5-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Малухат Оллабергаснова.

Аждодларимиз шаҳарозликда бир анъанага қатъий амал қилганлар. Улар шаҳарларни

Урганч шаҳрида, ҳақиқатан ҳам, катта миқёсда бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бу улғувор ишлар кўлами шаҳарнинг кечаги қиёфаси билан бугунги қиёфасини ўзаро солиштирганда яққол кўзга ташланади. Халқимизнинг бугунги бунёдкорлик қудрати намоен бўлади. Урганч шаҳрида бошланган қайта қуриш ишлари эндиликда кенг қўламда давом этмоқда. Унинг ҳудуди хозирги пайтда “Наврўз” йўлдош шаҳарчаси билан биргаликда 3325 гектарга етди, аҳолиси эса 135 мингдан ошди. Мамлакатимиз раҳбарининг кўрсатмалари асосида бугунги кунда Урганч шаҳрини икки босқичда ривожлантириш истиқболли режаси ишлаб чиқилган. Режага кўра, биринчи босқич 2017 йилгача давом этади. Бу босқичда шаҳар тўла қайта қурилади. Бундан ташқари, янги даҳалар, марказлар, кўчалар барпо этилади. 2017 йилга бориб шаҳар ҳудуди 6600 гектарга етиши, аҳолиси икки баробарга ошиши кутулмоқда. Саноат корхоналари шаҳарнинг жануб қисмида барпо этилади. Аҳоли яшаш масканлари, даҳалар, марказлар эса шаҳарнинг шимолий-ғарб томонида бунёд қилинади. Шаҳар қурилишининг иккинчи босқичи 2030 йилгача давом этади. Бу даврда шаҳар ҳаёти ҳам, қиёфаси ҳам тубдан ўзгаради, у йирик мегаполисга айланади. Шу тариха Урганч тимсолида воҳанинг бағридаги жавҳар — гўзал шаҳар қад ростламоқда.

## КЕЛАЖАККА ЮЗ ОЧАЁТГАН ШАҲАР

Урганчга бугунги кунда юксакроқ нуктадан назар ташласангиз, шаҳарнинг тўрт тарафида бунёдкорлик, қайта қуриш, яратувчилик, кўккаламзорлаштириш, ободончилик ишлари амалга оширилаётганига гувоҳ бўласиз.

Шарқ ва жануб томонларида янгидан қад ростлаётган саноат корхоналари, микрофирмалар, қўшма ва кичик корхоналар иморатлари намоен бўлади. Шимол ва ғарб томонларида эса янги турар жойлар, спорт ишотлари, савдо расталари, “Наврўз” йўлдош шаҳарчининг бинолари барпо этилмоқда. Шаҳар марказида дам олиш, истироҳат боғлари, маданият масканлари қад ростламоқда. Хусусан, Амр Темир номидаги истироҳат боғи ниҳоятда кўркам қиёфа касб этмоқда. Бу боғнинг бир томонидаги дам олиш масканлари унинг иккинчи тарафидаги Ёшлар қўли ва боғига мувофиқ қайтадан таъмирланмоқда. Шовот канали соҳилларидаги дам олиш масканлари алмақачон аҳолининг сеvimли масканига айланиб улғурди.

Тунда Урганччи айлансангиз, турфа рангда ёришувчи чироқлардан кўчалар чарогон ва гўзал ҳолатда кўзга ташланади. Кўчалардаги чироқлар безалиши, кўрилиши, нур таратиши, ранг баранглиги жиҳатдан бири иккинчисини тақорламайди. Барчаси ўзига хос тарзда намоен бўлади. Бинолар пештоқларидаги ёришувчи чироқлар ҳам алоҳида эътиборни тортади. Тун қўйнида Шовот канали соҳиллари янада ўзгача чирой очади. Икки соҳилдаги ерилянд сифат чироқлар, фонарлар чироқлари, бу ерда жойлашган дам олиш масканларини ёришади. Кечки пайтларда соҳиллар янада гавжум бўлади. Шаҳарнинг турли тарафларидаги атрофга турфа ранг таратиб товланувчи фаворалар болаларнинг, ёшларнинг сеvimли масканларига айланади.

Чорак аср илгари биз бундай гўзал турмуш тарзини, шарт шариоит, имкониятларни ҳаёлимизга ҳам келтира олмадик. Энди эса шундай ҳаётни кўриб турибмиз. Бундай пайтда қалбимизда ажиб бир туйғу — ҳувонч ва ғурур, бахтли ҳаётдан энтиқиш, келажакка ишонч каби адоқсиз ҳислар уйғонади. Яна шундай юрдада миятеганимизга бевадод шўқ қиласиз!

Шаҳарнинг бугунги замонавий гўзал қиёфасини, обод манзарасини саноат корхоналарисиз тасаввур қилиб бўлмайдик. Эндиликда Урганчда 20 га яқин йирик саноат корхоналари фаолият юрғузмақда. Шулардан бири UzXCMG корхонаси ҳисобланади. Бу корхона аввазги Урганч экскаватор заводи ўрнида Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси сифатида иш олиб бормоқда. Уни барпо этишда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ яқиндан ёрдам берди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган экскаваторларга нафақат мамлакатимизда, хорижда ҳам

Рустам БОЛТАЕВ,  
Ўзбекистон “Адолат” СДП  
Урганч шаҳар кенгаши раиси

Суратлар муаллифи  
З.УМРЗОКОВ (ЎЗА)

Камол МАТЕҚУБОВ,  
“Adolat” мухбири


ИИВ ПОЧТАСИДАН

Ички ишлар идораларини ислоҳ қилиш, замонавий технологиялар ҳамда малакали кадрлар билан таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилиб, салмоқли натижалар қўлга киритилмоқда. Бу Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги қўриқлаш хизмати-нинг қўриқлаш хавфсизлик техника воситаларини жорий қилиш ва фойдаланишни ташкиллаштириш тизимида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Қўриқлаш тизими

янада такомиллашмоқда

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз бўйича қўриқдаги объектларнинг сигнализация воситалари билан жиҳозланганлик даражаси 95,5 фоизни ташкил этади. Шунингдек, қўриқланаётган халқ ҳўжалиги объектларини замонавий қўриқлаш-ёнгини сигнализация воситалари билан жиҳозлаш борасида ҳам бир катор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ҳозирги пайтда республика ички ишлар органлари хузуридаги қўриқлаш бўлимларида 177 та техник қўриқлаш пункти мавжуд бўлиб, улар томонидан 21097 та объектлар қўриқлаб келинмоқда. Айни пайтда 8654 та техник қўриқлаш пунктлари хонадонларга хизмат кўрсатмоқда.



Фукарорлар хонадонларида содир этилиши эҳтимоли бўлган ўғирликларнинг олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари хузуридаги қўриқлаш бўлимлари техник қўриқлаш пунктлари томонидан

фукарорлар хонадонларини қўриққа олиш борасида 2016 йилнинг биринчи чораги давомида аҳоли ўртасида 9521 мартаба суҳбат ўтказилди ҳамда оммавий ахборот воситалари оркали чиқишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2013 йилнинг 5 майдаги "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари хузуридаги қўриқлаш хизматида ахборотлаштириш-коммуникация технологияларини ривожлантириш, автоматлаштирилган марказий қузатув ва хабар узатиш техник қўриқлаш пунктларини яратиш тўғрисидаги Концепция" талабларини бажариш мақсадида ички ишлар органлари хузуридаги қўриқлаш бўлимлари техник қўриқлаш пунктларига замонавий технологияларни жорий қилиш ишлари жадал давом эттирилиб, ҳозирги кунда автоматлаштирилган марказий қузатув ва хабар узатиш техник қўриқлаш пунктларини яратиш бўйича монтаж ишлари якунига етказилди.

Ички ишлар органлари хузуридаги қўриқлаш хизматида замонавий қўриқлаш техника ва технологияларини жорий этиш билан бир вақтда уларда ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ишлари фаол давом эттирилмоқда.

Ички ишлар органлари қўриқлаш хизматини замонавий технологиялар билан таъминлаш, техник қўриқлаш пунктлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда. Буларнинг барчаси хизмат самарадорлиги ва тезкорлигини оширишга хизмат қилади.

Элмурод КУЗИЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ "Қўриқлаш" бирлашмаси ИХХҚ ва ЮТВ матбуот гуруҳи катта инспектори, катта лейтенант

МАЪНАВИЙ ЮКСАКЛИК — қонунларга амал қилиш омили

ОГОҲЛИК

Асрлар оша яшаб келаётган миллий ва умумбашарий кадриятларни менсимаслик, ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларига нисбатан бепи-сандлик кишини ўзлигидан беғоналаштиради, жаҳолат сари етаклайди. Бугунги кунда турли бузғунчи кучлар ўз ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун "оммавий маданият" ниқоби остида, биринчи навбатда, миллий маънавиятга қарши зимдан кураш олиб бораётгани бежиз эмас.


Ўз мустақил фикрига эга, миллий кадриятлар руҳида тарбия топган инсон эса ғараз ниятли кимсаларнинг таъсирига тушиб қолмайди.

Маънавият инсон онгида, энг аввало, оила муҳитида шаклланади. Боланинг эркин ўсиши, мустақил бўлиши унинг қаровсиз, назоратсиз қолишини билдирмайди. Чунки унинг эркинлиги ҳам ҳимояга муҳтож. Дейлик, боланинг кечаси билан интернетда ўтириш, мобил телефоннинг тутуриқсиз хизматларидан фойдаланиш, тинмай энгил-елли куй-қўшқларни тинглаш ёки компьютер ўйинларидан бўшамаслик одатларига қандай лоқайд қараш мумкин?

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, "оммавий маданият" миллий кадриятларимиз, урф-одатларимиз ва тарихимизни йўқотиш мақсадида қўлланиладиган курашдир. У, аввало, кишининг маънавиятини бузади, маънавий кадриятларга бепи-сандлик, ҳаётга энгил-елли муносабатда бўлиш кайфиятини шакллантиради. "Оммавий маданият" кишини оиладан, ўзи яшаб турган жамиятдан, Ватандан узоклаштиради. Натигада унинг таъсири остида қолган киши учун ҳеч қандай муқаддас нарсанинг ўзи қолмайди.

"Оммавий маданият"нинг яна бир жиҳати шуки, у доимий равишда молиялаштириб туришни талаб қилмайди, аксинча, ахлоқсизлик, маданиятсизлик, ҳуқуқий нигилизм, ўз жонига қасд қилиш, порнография, зўравонлик, алкоголизм, гиёҳвандлик ва шу каби ёт иллатларни тарғиб қилувчи фото, аудио, видео ва бошқа қўриқлашдаги материаллар, турли босма нашрлар, глобал ахборот тармоғига жойлаштирилган миллионлаб сайтлар улар учун доимий даромад манбаи вазифасини ҳам бажаради.

Шунинг учун ёшлар онгини эгаллашга уринаётган мафку-



равий хуружларга қарши курашиш, халқимизнинг миллий кадриятларини, маънавиятимизни асраб-авайлаш доимий диққат-этиборимизда бўлиши керак. Бу борада ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари сингарии, таълим, маънавият, маданият ва спорт, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳаларини ривожлантиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Глобаллашув жараёнида тобора кучайиб бораётган маънавий хуружларга қарши курашиш мақсадида амалдаги қонунчиликка қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди, янги қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, 2010 йил 17 майда Ўзбекистон Республикаси МЖТҚга қўшимчалар киритилиб, ресторан, кафе, бар, клуб, дискотека, кинотеатр ва компьютер заллари, интернет тармоғидан фойдаланиш хизматлари кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа қўшма оқиниш (дам олиш) жойларининг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахслари томонидан вояга етмаган шахснинг тунги вақтда ота-онасидан бири

ёки унинг ўринини босувчи шахснинг қузатувисиз кўрсатилган муассасаларда бўлишига йўл қўйганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди. "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонун билан эса давлат органлари, муассасалари ва жамоат ташкилотларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида доир масъулияти янада оширилди. 2012 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикаси Бош проку-

раторининг қонунчилик ташаббуси асосида Ўзбекистон Республикасининг МЖТҚ ва Жиноят кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, порнографик маҳсулот тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш учун жавобгарлик янада кучайтирилди.

Вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кириш, худди шунингдек, уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёхуд вояга етмаган шахснинг порнографик хусусиятга эга ҳаракатларининг ижроси сифатида жалб қилиш мақур жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат, деб квалификация қилиниши белгиланди. Шунингдек, эндиликда нафақат порнографик, балки зуравонлик ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш учун ҳам юридик жавобгарлик белгиланди.

Табиийки, бу каби ҳуқуқий механизмлар "оммавий маданият" тарғиботчиларининг ғаразли мақсадларига қарши кучли ҳимоя воситаси вазифасини бажаради. Лекин бу хотиржамлик ёки бепарқликка берилиш учун асос бўлмайди. Бу жараёнда барчамизнинг огоҳ бўлишимиз, фарзандларимизнинг келажаги учун биргаликда курашишимиз лозим.

Толибжон ҲАЙДАРОВ, Жиноят ишлари бўйича Паркент туман судининг раиси

Хуқуқий маслаҳат

— Турмуш ўртоғим ишлаб чиқариш вақтида бахтсиз ҳодиса сабабли вафот этди. Бизнинг вояга етмаган фарзандларимиз боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан нафақа олиши мумкинми?

З.Аҳматова, Тошкент шаҳри

— Ҳа, мумкин. Меҳнат кодексининг 291-моддасига асосан, боқувчисини йўқотганлик пенсияси меҳнатда майиб бўлиш ёки касб касаллиги туфайли вафот этган боқувчисининг меҳнатга қобилиятисиз оила аъзоларига, унинг меҳнат фаолиятининг муддатидан қатъи назар тайинланади. Агар у бошқа сабаблар натижасида вафот этган бўлса, шунга мувофиқ келадиган умумий меҳнат стажига қараб тайинланади, бундай меҳнат стажининг муддати суғурта қилинган ҳолатдаги вафот этган кунга қадар бўлган ёшига боғлиқ бўлади.

— Амакимнинг ўғли ишдан уйга қайтаётиб автоҳалокатга учради. Унинг олган тан жароҳати ишлаб чиқариш билан боғлиқ деб ҳисобланадими? Иш вақти тушунчасига нима қиради?

Н.Журабоев, Наманган вилояти

— Меҳнат кодексининг 114-моддасига кўра, ходим иш тартиби ёки графикага ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади. Меҳнат кодексининг 189-моддасига мувофиқ ходимнинг иш берувчисининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам меҳнатда майиб бўлиши, шунингдек, иш берувчи томонидан ажратилган транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган вақтда ишга қайтиши натижасида етказилган зарар учун иш берувчи моддий жавобгар бўлади. Шунга кўра, иш берувчини моддий жавобгар деб эътироф этиш учун амакимнинг ўғлига қайси автомашинада автоҳалокатга учрагани ва ушбу ҳалокат қимнинг айби билан содир бўлганини аниқлаш тавсия этилади.

Мақур масала юзасидан ҳудудий меҳнат органларининг давлат техника инспекторларига мурожаат қилинса, меҳнатда майиб бўлганлиги ёки бошқа ҳолатда бўлганлиги оид ҳулоса берилади. Шунга асосан якуний ҳулоса чиқарилади.

Саволларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги меҳнат муҳофаза қилиш ва меҳнат шартлоғлари экспертизаси бошқармаси бош мутахассиси Олим АШУРОВ жавоб берди.

— Меҳнат шартномасида иш вақтимиз соат 9:00 дан 18:00 гача деб белгиланган бўлса ҳам, айрим ҳолларда ташкилотимизда кечгача қолиб кетамиз. Аслида бизни ҳеч ким кечгача ўтиришга мажбур қилмайди, фақат баъзида раҳбарият томонидан кечки соат 17:00 да йиғилиш ўтказилганда ишдан кечроқ кетишга тўғри келади. Ушбу иш вақти нормал ҳисобланадими?

М.Носиров, Тошкент шаҳри

— Меҳнат кодексининг 115-моддасига кўра, ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтага қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозим. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш Меҳнат кодексининг 123-моддасига кўра амалга оширилади. Шундан келиб чиқиб, ходимни саккиз соатдан ортиқ ишлатиш мумкин эмас. Иш ҳажмининг ортиши ёки муҳим топшириқлар ижросини кечиктириб бўлмастлигини инобатга олиб, иш берувчи асосий иш вақтидан ташқари қўшимча иш вақтида ҳам ходимнинг розилиги билан уни ишга жалб қилиши мумкин. Бунда қўшимча ишлаган иш вақти учун икки ҳисса иш ҳақи тўланиши лозим. Бу вақт қонун ҳужжатларига мувофиқ йилга 120 соатдан ошмаслиги керак.

Саволга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Давлат ҳуқуқ инспекциясининг катта мутахассиси Барно ҚАЗАҚБОВЕВА жавоб берди.

ХУШЁРЛИК — хавфсизлик сари биринчи қадам

«101» ОГОҲЛАНТИРАДИ

Оиланинг тотувлиги маҳалланинг тинчлигига, бу эса, ўз навбатида, юртимизнинг тинчлигига олиб келади. Фукарорлар орасидаги ўзаро ҳурмат, аҳилилик ҳам хотиржам ҳаётимиз омилидандир.

Шу бондан одамларимиз кўни-кўшини, маҳалла-қўй билан яқин алоқада бўлади. Уларнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб туради. Шу билан бирга, ўзи ва атрофдагиларнинг хавфсизлиги учун қайғуриш ҳам бизга хос ғазилатлардан саналади.

Бирок инсонлар хавфсизлиги билан боғлиқ, унча аҳамият берилмайдиган бир омил бор — бу ёнгин хавфсизлигидир. Юртдошларимиз айрим ҳолларда ёнгин туфайли ноҳуш ҳолатларга, талофатларга дуч келаётир. Ўчирилмаган сигарета қолдини нафақат уйларида, балки кўча-қўйда ҳам оғат келтириб чиқариши кўп қузатилган ҳолатдир. Агар маҳалла аҳли, кўни-кўшинилар бу борада эътиборлироқ бўлишса, барчанинг хавфсизлигига ҳисса қўшган бўлишарди.

Ўзимиз ёнгин хавфсизлиги қондаларга ривож этишимиз билан бирга, атрофимиздагиларни ҳам шунга ундашимиз, фарзандларимизга шуларни ўргатишимиз зарур. Биз ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳамшахарларимизни фарзанд тарбиясида эътиборли бўлишга, очик оловдан фойдаланганда эса хавфсизлик чораларини қўйиштиришга чақирамиз.

Жаҳонгир ҲАЙДАРОВ, Чилонзор туман ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

Диққат, танлов!

“ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ”

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, Бадий академия, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишланган «Энг улуг, энг азиз» анъанавий танловини эълон қилади.

Танловга "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган бош ғояни ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади.

- “Энг улуг, энг азиз” танловни қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади: - ёзувчи ва шoirларнинг бадий асарлари; - босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари; - телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари; - тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари; - кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим: - муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот; - муаллифнинг паспорти нусхаси; - иш жойидан тавсиянома; - муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2015 йилнинг 1 августидан 2016 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этил-

ган бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатишган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 1 августигача қабул қилинади.

Танлов қолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами арафасида муқофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар “Энг улуг, энг азиз” танловига деб кўрсатишган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси. Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-11-64.

ДАСТУР АСОСИДА

Жисмонан бақувват, маънан етук, руҳан тетик фарзандларни тарбиялашда, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, "Соғлом она — соғлом бола" ҳаракатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишда мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат ташкилотлар, жумладан, "Соғлом авлод учун" фонди ҳам жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Оила тинчлиги — юрт тараққиёти

Хусусан, жорий йилнинг 15-17 июнь кунлари фондинг кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари томонидан замонавий диагностика ва даволаш ускуналаридан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Куроли Кучлари академияси харбий хизматчиларининг жами 200 нафардан ошқ оила аъзолари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларга соғлом турмуш тарзи ва уни тўғри шакллантириш мавзуларида тиббий маслаҳатлар берилади.

— Турмуш ўртоғим Ватанимизнинг тинчлиги, хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётганидан бутун оиламиз билан фахрланамиз, — деди тиббий кўриқ иштирокчиларидан бири Умида Исаева. — Юртимизда харбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашмоқда.

Бугунги тиббий кўриқ ҳам саломатлигимизни яна бир бор текширтириш, малакали ва ширинсухан шифокорлардан маслаҳатлар олишимизга ёрдам берди. Қолаверса, жонли ва таъсирчан мисоллар келтирилган, рангли суратлар билан бойитилган буклетлар ҳам фарзандларимизнинг қизиқишига сабаб бўлди.

Фонд мутахассислари берган маълумотга кўра, 2016 йилнинг ўтган даври мобайнида кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари томонидан республика бўйича 129 та харбий қисм, харбий билим юртлари ва харбий муассасалардаги харбий хизматчиларнинг оила аъзолари тиббий кўриқдан ўтказилди. Шунингдек, 177 та тиббий мавзудаги маърузалар ўқилди.

Азиза АЛИМОВА

## ЎЗБЕКИСТОН — ШХТ:

# ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДАГИ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

«Давоми. Бошланғич 1-бета»

Халқаро нуфузи тобора охиб бораётган мазкур ташкилотнинг асосий мақсади аёзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва яхши кўшничликни мустаҳкамлаш ҳамда сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий, шунингдек, таълим, энергетика, транспорт, туризм, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларда самарали ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат. Бундан ташқари, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши биргаликда курашиш ҳам ушбу ташкилотнинг асосий вазифалари сирасига кириди.

Маълумки, жорий йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тузилганига 15 йил тўлади. Ушбу давр ичида у халқаро майдонда мустаҳкам ўрин эгаллаб, кўп томонлама ҳамкорликнинг самарали механизми сифатида намоён бўлмоқда. Ўтган йиллар давомида ташкилот салмоқли шартнома-ҳуқуқий базага эга бўлди; институционал жиҳатдан шаклланди; унинг тузилмавий органилари ташкил қилиниб, уларнинг барқарор фаолияти йўлга қўйилди. Унга аёзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва аҳил кўшничлик муносабатларини мустаҳкамлаш, икки ва кўп

томонлама асосда савдо-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳаларда самарали ҳамкорликни ривожлантириш, минтақадар тинчлик ва оқолишликни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Президент Ислам Каримов ўтган йилнинг июль ойида Россиянинг Уфа шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аёзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқида тобора глобал тус олиб бораётган таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятини кенгайтириш ва тақомиллаштириш масалалари бўйича ўз мулоҳазаларини билдирар экан, мазкур ташкилотнинг таъсир ва нуфузи тобора охиб бораётган ҳозирги шароитда ушбу ташкилот Хартияси ва барча асосий ҳужжатларида мустаҳкамланган тамойил, яъни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолияти бошқа давлатларга қарши йўналтирилмаганлиги тамойилига қатъий амал қилиш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тартиб-таомилларига асосан ҳар йили аёзо давлатлардан бири унга раислик

қилиши белгиланган. Ҳозирда ташкилотга Ўзбекистон Республикаси раислик қилмоқда. Жорий йилнинг 23-24 июнь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аёзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши замонавий халқаро муносабатларда улкан воқеа сифатида талқин этилмоқда. Ушбу йиғилиш давомида ташкилотнинг кенгайишига онд ва бошқа муҳим ҳужжатларнинг имзоланиши ташкилот фаолиятига бўлган қизиқишнинг янада орттишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, ташкилотта аёзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 2025 йилгача тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳаракат дастурининг қабул қилиниши ташкилот шартномавий-ҳуқуқий базасининг янада мустаҳкамлашида муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, ўтган даврда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўзини самарали механизм сифатида намоён этиб, сиёсат ва хавфсизликдан иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорликкача бўлган кенг камровли масалаларни ўз ичига олган минтақавий муаммолар-

нинг бутун бир мажмуини ҳал этишга қодир халқаро форум сифатида жаҳон сиёсат сахнасида мустаҳкам ўрин эгаллади. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартияси ва бошқа асосий ҳужжатларга мувофиқ, терроризм, сепаратизм, экстремизм, наркотикларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва тарқатиш, трансчегаравий жиноятлар, замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда амалга оширилаётган жиноятлар, ноқонуний миграция ва одам савдоси воситаларига қарши умумий курашиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бундан буён ҳам мазкур ташкилот доирасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўлиб қолади.

**Ўзбекистон ўзининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги доирасида ташкилот халқаро алоқаларини янада ривожлантириш, норматив-ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, унинг Хартиясидаги мақсадлар, вазифалар ва тамойилларга мувофиқликни сақлаган ҳолда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ ташаббусларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш орқали ташкилот фаолияти самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Ҳеч шубҳасиз, бундай саъй-ҳаракатлар истиқболда, албатта, ўз ижобий самарасини беради.**

**Қодир Жўраев,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси



## ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ

Маълумки, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурида ҳам иқтисодийта янги, энергия ресурсларини тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳақида алоҳида таъкидланган.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланишга уринишлар бутун дунёда кенг қулоч ёймоқда. Бундай эътиборнинг бир кўриниши ҳар йили 15 июнь — Бутунжаҳон шамол кунли сифатида нишонланишидир.

# ТАБИАТ ИНЪОМ ЭТГАН НЕЪМАТ

Мазкур байрам ташаббускорлари шамол энергияси бўйича Бутунжаҳон кенгаши ҳамда шамол энергетикаси бўйича Бутунжаҳон асоциацияси ҳисобланади. Бу кунни нишонлашдан мақсад шамол энергетикаси потенциалига дунё жамоатчилиги диққатини қаратишдан иборат.

Шамол энергетикасининг ривожланиши нафақат электр энергия таъминоти муаммосини, балки давлатлар иқтисодиётини, дунё бўйича экологик барқарорликни ҳал қилишда ҳам катта аҳамият касб этади. Шамол энергетикаси бўйича дунёда кенг қўлланли тадқиқот ишлари олиб борилаётган бўлиб, 80 дан ортик давлатда шамолдан энергия олиш соҳалари жадал ривожланмоқда.

2010 йилда дунёдаги ҳамма шамол генераторлари ишлаб чиқарган электр энергиянинг қуввати 430 тераватт/соатга етди, бу бутун дунё давлатлари ишлаб чиқараётган электр энергиясининг 2,5 фоизини ташкил қилади, холос. Лекин айрим ривожланган давлатларда бу улус ҳақида сўз юритганда йил давомида ишлаб чиқарилаётган электр энергиянинг Португалия давлатида 16 фоизи, Ирландияда 14 фоизи, Испанияда 13 фоизи, Германияда 8 фоизи шамол энергиясига тўғри келади. Ҳозирги пайтда 100 дан ортик давлатда шамол энергетикаси ривожланмоқда.

Шамол энергиясининг потенциал қуввати дунёда ишлаб чиқарилаётган электр энергия микдоридан 30 баравар ортиқлиги аниқланган. Ҳозирги шамол тезлиги бўйича кўрсаткичлар анеморумбометр ва флюгер асбоблари орқали олинади, улар ер юзасидан 10 метр балангликда ўрнатилади. 10 метрдан юқорида шамол тезлиги янада катта, чунки шамол ҳаракатига тўсқинлик қиладиган элементлар қамаяди. Шу боис баъзи давлатларда 120 метр балангликда, паррақлар диаметри 80 метрдан ортадиган, қуввати 6,0 мВтли шамол генераторлари ўрнатилаётган.



Шамол генераторлари шамол тезлиги 3 м/секдан бошлаб электр тоқини бера бошлайди. Шамол тезлиги 5 м/секдан 10 м/сек. оралиғида электр энергия ишлаб чиқариш қуввати 8 марта ошади. Ўзбекистонда очик текис ҳудудларда, тоғлар орасидаги водийларда, сув ҳавзаларига яқин жойларда (кўл, сув омборлари) шамолнинг йиллик ўртача тезлиги 3,5-6,5 м/сек.ни ташкил қилади. Ҳатто, битта кичикрок ҳудуднинг турли қисмларида шамол тезлиги фарқ қилади. Масалан, Самарқанд шаҳрида 10 метр балангликда шамолнинг йиллик ўртача тезлиги 2,4 м/сек. Лекин аэропорт ҳудудида шамолнинг ўртача йиллик тезлиги 4,0 м/секдан ошади. Бунинг сабаби Зарафшон дарёси, дарё соҳилидаги қалин тўқайзор, очик тошлоқ Чўпонота тепалиги ва Самарқанд шаҳрининг ёнма-ён жойлашганлиги билан боғлиқ. Бу учта "географик майдон" устида ҳаво ҳарорати ва шунга боғлиқ ҳолда ҳаво босими фарқ қилади, натижада доимо эсиб турадиган маҳаллий шамолни келтириб чиқаради.

Самарқанд вилоятида баланглиги 1000 метрдан 2000 метрга етadиган, баъзи чўққилари 2000 метрдан ошадиган тоғлар вилоятнинг 25-30 фоиз майдонини эгаллайди. Улар бир томондан шамол ҳаракатига тўсқинлик қилади. Иккинчи томондан эса тоғлар орасидаги ботиклар, букилмалар, водийлар, сойлар, донлар хавонинг тез ҳаракатига шароит яратди. Бу "шамол йўлаклар"даги ҳаво оқими шиддат билан ҳаракатланиб кучли шамоллар ҳосил бўлади.

Шамол электростанциялари ёрдамида ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг қиймати АКШ доллариди қуйидаги кўрсаткичларга эга. Шамол тезлиги 7,16 м/сек. — 4,8 цент.кВт/соат, 8,8 м/сек. — 3,6 цент.кВт/соат, 9,32 м/сек. — 2,6 цент.кВт/соат. Ушбу маълумотлардан электр энергияси қийматининг пасайиши шамол тезлиги ошишига боғлиқлиги кўриниб турибди. АКШда кўмир ёқилғиси асосида ишлайдиган электр станцияларда электр энергия қиймати АКШ доллариди ўртача 4,3-6 цент.кВт/соатни, Хитой давлатида ўртача 4 цент.кВт/соатни ташкил қилади. Рақамлардан кўриниб турибдики, шамол электр станциялари ёрдамида ишлаб чиқариладиган электр энергиянинг қиймати кўмир ёқилғиси билан ишлайдиган электростанциялар қийматига тенг ва қисман паст экан. Бирок ҳар икки турда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг экологик оқибатлари бир-бирдан кескин фарқ қилади.

Кези келганда таъкидлаш лозим, Самарқанд давлат университети гидрометеорология кафедраси ходими доцент Орамурад Раҳматуллаев раҳбарлигида Самарқанд шамол ресурсларини ўрганиш ва харитасини тузиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб боришмоқда. Бу ишга кафедранинг магистрантлари, иқтидорли талабалари ҳам жалб қилинган. Хусусан, СамДУнинг тўққиз қаватли биноси томига 40 метр балангликка шамол кучи ва йўналишини ўлчайдиган асбоб (анеморумбометр) ўрнатилаётганлиги тадқиқотларнинг сифатини оширмоқда.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш лозим, Ўзбекистонда табиат инъом этган неъмат — иқлим, об-ҳаво, шамол ёрдамида электр энергиясини олиш салоҳияти юқори бўлиб, бу борада олиб борилаётган изланиш ва тадқиқотларни сон ва сифат жиҳатдан ошириш, камхарж ва экологияга зиён етказмайдиган инновацион ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш устувор вазифа ҳисобланади.

Суюндик МАМИРОВ,  
«Adolat» муҳбири

Ирода ОРИФЖОНОВА,  
Самарқанд давлат университети талабаси

# БЎЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАР МАКТАБИ

## 19 ИЮНЬ — ЖАҲОН БОЛАЛАР ФУТБОЛИ КУНИ

Футболнинг «миллионлар ўйини» дейилиши бежиз эмас. Ер юзиди 300 миллионга яқин киши спортнинг шу тури билан шуғулланади. Футболнинг ашаддий ишқибозлари эса миллиардлаб. Демак, дунёнинг исталган нуктасида футбол мусобақаси учун майдон, ўйинчилар ва уларга муҳлислик қиладиган томошабинлар топилади.

Айниқса, болалар футболга ўзгача меҳр қўйгани, ирки, тили ва ота-онасининг ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, барчаси яшил майдонда тўп суриб, агар бундай шароитга эга бўлмаса, кўча-кўйдаги очик жойда футбол ўйнаб, қалблари қувончга тўлиши маълум.

БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамда Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (ФИФА) келишувига кўра, 19 июнь — «Жаҳон болалар футбол кунли», деб белгиланган. Мазкур сана муносабати билан бутун дунёда ўтказиладиган спорт тадбирлари, мусобақалар орқали жаҳон ҳамжамияти эътибори яна бир қарра ёш авлодни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга қаратилади.

Мамлакатимизда ёш авлодни қонил инсон этиб тарбиялаш, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтиришнинг асосий мезони сифатида спорт ривожлантирилмоқда. Бугунги ёшларга ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди. Истиқлол шарофати билан навқирон авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, иқтидорини тўла намоён этиши, ўзи қизиққан спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча қулайликлар яратиб берилди. Шу ўринда, кейинги ўн йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 744 миллиард сўмлик маблағи ҳисобидан барча вилоят, шаҳар ва қишлоқларимизда 1 минг 700 дан зиёд замонавий спорт иншоотлари бунёд этилгани, охириги ўн йил давомида спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси болалар ва ўсмирлар ўртасида 30 фоиздан 57 фоизга, киз болалар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Болалар футболи равангага қаратилган алоҳида эътибор замирида ҳам юксак орзу-мақсадларимиз бўй кўрсатади. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майда қабул қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан мамлакатимизда Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси

тузилди. Мазкур жамғарма томонидан болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантириш, янги ўқув-машғулот масканлари, хусусан, сунъий қопламали футбол майдонлари барпо этиш, футбол мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кенг қўлланли ишлар амалга оширилаётган.


...Дарвозага тўп киритган боланинг майдон узра югуриши, жамоадошлари уни ўраб гол учун миннатдорлик билдириши, томошабинларнинг олқиши-ю, рақиб ўйинчиларнинг юз ифодасидаги мағлубият алами — барча-барчаси табиий, одатда, профессионал футболчилар иштирокида ўтказиладиган мусобақаларда айнан шундай ҳолатлар кузатилади.

Тўп думалоқ, майдон эса текис. Олдиндан қайси жамоага ғолиблик nasib этишини айтиш қийин. Бу ўйинчиларнинг маҳорати, қолаверса, омадга ҳам боғлиқ жараён. Мусобақа якунида ҳисоб қандай бўлишидан қатъи назар, икки жамоа аъзолари — болақайлар ҳақиқий футболчилар каби бир-бирининг қўлини сиқиб, гўёки «Биз ўйиндагина рақибларимиз. Ҳаётда эса дўстимиз, ўртоқимиз», дегандек самимий хайрлашди.

Юқорида келтирилган давҳалар Чилонзор туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабида, 2006 йилда тузилган болалардан иборат футбол жамоалари ўртасида ўтказилган ўртоқлик учрашувидан олинди.

— Икки йилдан буён тўғарак машғулотларида иштирок этиб, футболга қизиқишнинг янада ортиди, — дейди 210-умумтаълим мактаби 5-синф ўқувчиси Самандар Каримов. — Келажакда таъниқли футбол клубларида ўйнашни, Одил Аҳмедов, Луис Альберто Суарес, Лионель Месси, Неймар Жунior каби машҳур футболчи бўлишни орзу қиламан. Бунинг учун, аввало, устоз-мураббийлардан ўйиннинг ўзига хос сирларини ўрганиб, маҳоратини ҳам ошириб бораман.

— Мен Сардор Рашидов, Сервер Жипаров, Жасур Хасанов сингари



Миллий терма жамоамиз ўйинчиларига ҳавас қиламан, — дейди 35-умумтаълим мактаби 5-синф ўқувчиси Шохрух Шералиев. — Футбол тўғрисида уч йил давомида қатнаб, қўллаб-қўллаган орттирдим. Ўйин пайти ҳамжихат бўлиб ҳаракат қилиш, бир-биримизни яхши тушуниш муҳим эканини англадим. Ҳозир барча футбол ишқибозлари қатори «Евро — 2016» ўйинларини кузатиб бораяпман. Тахминимча, Англия 1-ўрин, Германия 2-ўрин, Испания эса 3-ўринни эгаллайди.

Чилонзор туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан эрта-ю кеч, дам олиш кунлари ҳам ёш спортчи — ўғил-қизларнинг қадами узилмайди. Футбол майдонида тўп тепаётган болалар, теннис билан шуғулланаётган қизалоқлар маҳорати кишига завқ бағишлайди. Бу масканга фарзандларини олиб келган ота-оналар уларни бирон тўғаракка ёздириб қўйиш билан чекланиб қолмасдан, мураббийлар ўтказаятган машғулотларни кузатишни ҳам қанда қилишмайди.

— Бугунги кунда бадий гимнастика, футбол, стол тенниси, камондан ўк отиш, енгил атлетика, таэквондо, баскетбол, дзюдо, турон якка кураши, қиличбозлик, теннис каби спорт тўғрисида 90 гуруҳга бўлинган ҳолда фаолият олиб бораётипти, — дейди спорт мактаби директори Аскар Абдураимов. — Ўқув машғулотларини ўз йўналишлари бўйича спорт устаси, етук мутахассис ҳисобланган 45 нафар мураббий ўтказмоқда. Жами шуғулланувчи болалар сони 936 нафар, шундан 430

нафари қизлар. Ўғил болалардан 234 нафари эса айнан футбол тўғрисида катнайдилар. Шундан ҳам футбол энг омавий ўйин эканини билиш мумкин.

Чунончи, футбол болаларда таянч-ҳаракат тизими, нафас олиш ва юрак-кон томир тизимлари фаолиятини яхшилайдилар, тезлик, қаққонлик, чидамлик, мураккаб вазиятда тез ва оқилона ечим топиш қобилиятини ривожлантиради. Ушбу ўйин асосан очик ҳавода ўтказилгани сабабли биринчидан, жисмоний чинқишга олиб келади, иккинчидан, ўйинчилар тана аъзоларининг атроф-муҳит таъсирини чидамликни оширади.

Маълумки, футболда ғалабага эришиш учун ўйинчилардан яқдил бўлиб ҳаракат қилиш талаб этилади. Шу боис уларда, аввало, ўзига ишонч, ўртоқлик, бир-бирига ёрдам бериш каби фазилатлар тарбиялаб борилади.

**Муҳтасар айтганда, бугун мураббийлари кўмагида ўз маҳоратларини ошираётган, «миллионлар ўйини» сирларини қунт билан ўрганаётган ёш футболчилар келгусида жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишига ишонамиз.**



# ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

## МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш, тадбиркорларнинг умумқисмат рағбатини кўшадиган ҳиссасини кўпайтириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан биридир.

«Асака» акциядорлик-тижорат банкнинг Хоразм вилояти филиали жамоаси тадбиркорлар томонидан маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш асосида янги иш ўринлари яратиш, жаҳон бозорига хариддорлар, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга интилмоқда.

Хусусан, Хоразм вилоятининг 2015-2016 йилларда иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш комплекс чора-тадбирлар дастури ижроси юзасидан муайян ишлар бажарилаётган. Пировардида вилоят саноати жадал тараққий этиб, кўплаб янги корхоналар ишга тушириляпти, мавжудлари техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиниб, ички бозор импорт ўрнини босувчи ва экспортчи маҳсулотлар билан тўлдирилмоқда.

Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, янги ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитални иштирокдаги улушини ошириш имкониятларини яратди.

Бунга «Муҳаммадин профил» хусусий корхонаси фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур корхонага «Асака» банк кредити ҳисобига хориждан замонавий технологик линия олиб келиниб, металл маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада 4 та янги иш ўрни яратилди.

Банк филиали аҳоли ва тадбиркорларга янги хизмат турларини жорий этишга интилмоқда. Бундан миқозлар ва тадбиркорлар мамнун бўлмоқдалар.

Фаолиятимиз қўламини янада кенгайтириш мақсадида «Асака» банкга мурожаат этдик, — дейди Урганч туманида фаолият кўрсатаётган «Абдукарим Бекпўлат» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бекпўлат Абдукаримов. — Банк ходимлари бизнинг сўровимизни қисқа муддатда кўриб чиқиб, ижобий ҳал этишди. Банк томонидан кир ювиш куқуни ишлаб чиқаришни ташкил этиш

учун имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит ажратилди. Натижада 5 та янги иш ўрни яратилди. Хозир ишлаб чиқариётган маҳсулотимиз пешма-пеш истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Банк филиалининг малакали мутахассислари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу хайрли ташаббус уларнинг ишбилармонлик қобилиятларини янада тўлароқ рўёбга чиқариш, улар тайёрлаётган бизнес лойиҳаларининг пишиқ-пухта бўлиши, турли овозгарчиликларни бартараф қилишда алоҳида аҳамият касб этапти. Эндиликда миқозлар молия муассасаси хизматига оид саволлар билан банкнинг «Ишонч телефони» орқали мурожаат этиб, маълум мутахассислардан тегишли маслаҳатлар олишмоқда.

Банк филиалида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга қулайликлар яратиш ҳамда хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадида «Тадбиркорлар хонаси» ташкил этилган. Зарурий техника воситалари, кўргазмалли стендлар ва меъёрий ҳужжатлар билан жиҳозланган бу хонада ишбилармонлар соҳадаги барча янгиликлардан хабардор бўлишмоқда. Шунингдек, улар бугун тақдим этилаётган банк хизматлари, кредитлаш ва лизинг операциялари мазмун-моҳияти ҳақида тушунча берувчи босма материаллар билан яқиндан танишмоқдалар.

Қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантиришда «Асака» банкнинг ўрни катта бўлмоқда, — дейди Янгибозор туманидаги «Жасур Жамшид боғи» фермер хўжалиги раҳбари Муқаддас Худойберганаева.

Ишбилармонлар банк муассасасидан олган кредит маблағлари эвазига ўзларига ажратиб берилган ер майдонларида, томоркаларида мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб, бозор пештахталарини нозим-намак билан тўлдирмоқдалар. Улар катори мен ҳам вилоятимиз аҳолисининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида узумчиликни ривожлантиришга киришдим. Банк ходимлари лойиҳани рўёбга чиқариш учун бизнес режамизга асосан узоқ муддатли кредит маблағи ажратилди. Натижада 4 та янги иш ўрни яратишга эришдик. Келгусида ички бозорларимизни янги турдаги



маҳсулотлар билан тўлдириб, хорижга ҳам экспорт қилиш мақсадида изчил иш олиб бораёмиз.

Банкнинг иқтисодий маддаига оид бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Умуман, жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жами 18,2 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Шундан 3,1 миллиард сўми хотин-қизлар тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга, 1,2 миллиард сўми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришга, 12,8 миллиард сўми эса ички бозорни озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари билан тўлдирishга йўналтирилди.

Вилоят аҳолисинга намунали хизмат кўрсатиш, шунингдек, чекка ҳудудларни ҳам тўла қамраб олиш мақсадида хозирда филиал таркибиде 6 та мини банк, 6 та чакана банк хизматлари кўрсатувчи шохобчалар фаолият юритмоқда. Натижада жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига қўра, иқтисодиётнинг турли соҳаларига йўналтирилган кредит қўйилмалари миқдори қарийб 140,0 миллиард сўмини ташкил қилиб, бу борада ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 5,9 миллиард сўм ўсишга эришилди. Мазкур кредит маблағларининг асосий қисми узоқ муддатли эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бугунги кунда «Асака» банк тадбиркорлар билан яқин ҳамкор ва маддадор сифатида мустақкам алоқа боғлаган, — дейди «Юқорибор неъматлари» агрофирмаси раҳбари М.Раҳмонов. — Ҳозир бизнинг ривожлантириш истагида бўлган тадбиркорларга «Асака» банк молиявий ёрдам кўрсатмоқда. Ҳозир фаолиятимдан мисол келтирадиган бўлсам, мен ҳам яхши ниятлар билан иш бошладим. Бозорларимизни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан йил мобайнида узлуксиз таъминлашга ҳисса қўшишга аҳд қилдим. Шу мақсадда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақлайдиган 550 тонналик музлатгич қуришга бел боғладим. «Асака» банкнинг малакали мутахассислари лойиҳамни тез

фурсатда кўриб чиқиб, имтиёзли тарзда узоқ муддатли кредит маблағи ажратилди. Шу туфайли фаолиятимизни йўлга қўйдик. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ички бозорга етказиб бериш билан бирга, хорижий давлатларга ҳам экспорт қилишни мўлжалламоқдаман.

Бугунги кунда касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, уларни иш билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада яратилган имтиёзлардан самарали фойдаланиш учун барча имкониятлар мавжуд. Банк филиали мутахассислари касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилаётган

турли анжуман ва тадбирларда фаол иштирок этиб, ўз бизнес фаолиятини бошлашни ихтиёр этган ёшларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топшироқдалар. Жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалида «Диплом билан бизнес рояга» шиори остида ўтказилган учрашувда ўзларининг бизнес юяларини рўёбга чиқаришга бел боғлаган битирувчиларга молиявий кўмак бериш мақсадида 4 нафар йигит-қизга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

— Республикаимиздаги ишончли ва барқарор банклардан бўлмиш «Асака» банк касб-хунар коллежлари битирувчилари ўртасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда, — дейди ёш тадбиркор Хусан Сафоев. — Вилоятимизнинг барча ҳудудларида «Асака» банк мутахассислари ва ёшлар иштирокидан ўтказилаётган учрашувларда имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларга эга бўлиб, ўз бизнесини ташкил қилган ёшларни кўриб, тўғриси ҳавасим келарди. Бугун ўзим ҳам улар сафига қўшилганидан бағоят хурсандман. Банкнинг малакали мутахассислари бизнес юяим билан танишиб, менга имтиёзли кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилишди. Эндиликда мен ташкил этган овоз эшитиш студияси Урганч шаҳри аҳолисида хизмат кўрсатмоқда. Келгусида замонавий техника ва технологиялар асосида хизмат қўламлигини янада кенгайтириш ниятидаман. Бунда, албатта, «Асака» банкнинг молиявий кўмагига таянаман.

Мухтасар қилиб айтганда, «Асака» банкнинг Хоразм вилояти филиали жамоаси аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этилаётган банк хизматлари турларини кенгайтириш, сифатини янада яхшилаш, банк амалиётлари тезкорлигини ошириш бўйича фаол ишлар олиб бормоқда. Банк филиали томонидан кўрсатилаётган тезкор, сифатли ҳамда қулай хизматлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сафини кенгайтириб, уларнинг вилоят иқтисодиёти тараққиётига қўшаётган ҳиссасини оширмоқда.

Жорий йилда банк филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жами 70,0 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

Банк материаллари асосида «Adolat» мухбири Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА тайёрлади.

## КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Навоий вилоятидаги 283 маҳалла, 1 шаҳарча, 42 қишлоқ, 17 овул фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган сайловларда 343 фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 3 минг 480 маслаҳатчиси сайланди.

## НАВОИЙДА САЙЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оксоколлари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг Навоий вилоятидаги якунига бағишланган семинарда бу алоҳида қайд этилди.

Сайловларнинг мукобиллик асосида ўтган фуқароларнинг ўзаро ҳамжихатлигини мустақкамлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим омили бўлади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими раиси Нормурод Исоқов. — Сайловда 232 раис биринчи марта сайлан-

ди. Овоз бериш жараёнида номзодларнинг маълумоти, ташаббускор ва ташкилотчилиги, кўп йиллик ҳаётий тажрибаси ва эл-юрт орасидаги обрў-эътибори эътиборга олинди. Сайловда ёш ва янгилик фикрлайдиган номзодларга кўпроқ ишонч билдирилди. Сайланган раисларнинг 33 нафарини 40 ёшгача, 142 нафарини 40-50 ёшдагилар ташкил этади.

Ҳудудларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, ўзини ўзи бошқариш органларининг нуфузини янада юксалтиришда маҳалла маслаҳатчиларининг ўрни катта. Шу боис жорий сайловларда кўрсатилган номзодлар орасидан билимли, кўпни кўрган ва тажрибали номзодларга кўпроқ овоз берилди.

Н.РАҲИМОВ, ЎЗА мухбири

## ИНШОЛАР ТАНЛОВИГА

Мен жуда бахтли қизман, чунки шундай озод ва обод, келажаги порлок, фарзандлари бахтиёр, тупроқлари олтин мисол, сувлари зар каби зилол, серқувиш юртда дунёга келдим, униб-ўсдим. Шу сабабли бахтиёрлигим бекиёс. Халқимиз фаровонлиги, бахт-саодати, юрт ободлиги ҳақида қайғурадиган ғамхўр, халқпарвар ва адолатпарвар Юртбошиси бор элнинг, яъни ҳур Ўзбекистоннинг фарзандиман.

## СЕНИ АРДОҚЛАЙМИЗ, ОНА ВАТАНИМ

Дийримнинг гўзаллиги бекиёс. Биз мовий осмон доимо мусабфо, шаҳарлари чиройи кўзни камаштирар даражада гўзаллашган, келажакка пойдевор бўлаётган, қишлоқлари ободлиги дилин яйратар даражада илҳомлантирадиган, яйловлардаги мисаллар эртанги кун икболидан дарак бериб, гўё ҳаёт қўшиғини қуйлаётгандай, тоғларининг қадди буқилмаган, боғлариде жаннат мевалари саралари муҳайё бўлган шундай ажиб бир дийримни гулу гулчаларимиз. Халқимиз истиқболли порлок, тинчлик-осойишталик ҳукм сураётган заминда фуқароларнинг кадр-қиммати баланд. Юртим фарзандларининг униб-ўсиши учун барча имкониятлар эшиги очик, ҳамма шарт-шароитлар муҳайё.

Ватанимиз Мустақиллигига ҳадемай 25 йил тўлади. Ушбу сана юртимиз тарихида, халқимиз ҳаётида унутилмас, қалбларимизда абадий муҳрлини қолган буюк кундир. Йигирма беш йил. Бу кеска тарих нуқта назаридан олганда кичик бир муддат бўлиб кўринар балки, лекин шу давр мобайнида юртимиз мисли кўрилмаган ютуқларга, муваффақиятларга эришгани барчага маълум. Чунки мамлакатимиз мустақил, юртимиз тинч. Бугун Ватанимиз ҳеч кимга қарам эмас ва ҳеч кимдан кам ҳам эмас. Ўз сўзини айта оладиган, ўз ўрнига эга юрт.

Бугунги дориларим кўнларни кўриб қувонсам, кечяги кўнларни ўйлаб қайғуга толаман. Тарихга назар солсам, юртимиз не кўнларни кўрмади, қанча-қанча зиёлилари, олим уфузалари қурбон бўлмади дейсиз. Халқимизни бўйсундирумоқчи, ҳуқуқ ва эркинликларини бўғмоқчи, ўзлигини айирмоқчи бўлдилар. Аммо қанимлар ниятларига етаолмадилар...

Оғир даврларда ҳам қадди буқилмаган меннинг беғубор юртим. Сен меннинг кўксимга қадалган ўк — Қодирийимсан, йўлчи юлдуз каби ёниб турган Чўлпоним, қалбимга чўб солган Бехбудийимсан, дилларни титратган Фитратларимсан.

Халқимизнинг асл нияти тинч-фаровон ҳаётда яшаш ва меҳнат қилишдир. Зеро, бундай юртга тўйлар ярашади. Шу сабабли Ватанимизда кун сайин улкан ўзгаришлар содир бўлаётгани бизни қувонтиради. Мамлакатимизда олиб борилаётган бундай ислохотлар биз, ёш авлоди маънавий янгилишни жараёнининг фаол иштирокчисига айлантиради, куч ва салоҳиятимизни эзу мақсадларга сарфлашга чорлайди. Зеро, Ватан тупроғини асраб-авайлаш ҳар бир ўғил-қизнинг муқаддас бурчидир.

Моҳизода АБДУҚОДИРОВА, Қирғули саноат ва қурилиш касб-хунар коллежи I босқич ўқувчиси

## Инсон ўзинг...

Инсон қанчалик доно ва саховатли бўлса, у қишлоқдаги яхшиликни шунчалик кўпроқ пайқайди. Б.ПАСКАЛ

Кимки яхшилик қиламан деб ҳаддан ташқари узоқ муҳокама юртса, яхшилик қилишга вақти қолмайди. Р.ТАГОР

Бахтли оларимизда биз ҳаммиса саховатимиз, лекин яхшилик қилганимизда ҳаммиса ҳам бахтиёр бўлавермаймиз. О.УАЙЛД

## МУАССИС:



Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислам ҲАМРОЕВ

Тахрир хайъати: Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гавҳар АЛИМОВА, Муҳаррам ДААХОДЖАЕВА, Қодир ЖУРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ, Талъат МУРОДОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Алишер ШОДМОНОВ, Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 288-42-14 (144) Навбатчи муҳаррир — Дилором Маткаримова Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

«Адолат»дан кўчириб босиш тахририят ружсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган Тахририят маъноси: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй. info@adolat.uz

Газета Ўзбекистон Мотбуги ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100



ISSN 2073-5217 4772013521001 1 2 3 4 5 6